



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 26 » oktabr

№ 620

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Фазовий маълумотлар соҳасини тартиба солувчи айрим норматив-хукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

“Фазовий маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 сентябрдаги ПК-4819-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, фазовий маълумотлар соҳасини самарали тартиба солиши мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласиди:

1. Қуйидагилар:

а) “Фазовий маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) фазовий маълумотлар соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи этиб белгиланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон Фармони 5-бандига мувофиқ:

2020 йил 1 октябрдан бошлаб ер участкаларига бўлган ҳукуқларнинг юзага келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга кириши;

давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали тўплangan маълумотлар асосида амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Миллий географик ахборот тизими фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг таркибий қисми бўлиб, миллий ва бошқа фазовий маълумотлар инфратузилмасига киритилган базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлардан фойдаланган ҳолда умумдавлат ва тармоққа оид аҳамиятга эга вазифаларни ҳал қилишга мўлжалланган автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ва Кадастр агентлиги томонидан юритилади;

Миллий географик ахборот тизими давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш, кўчмас мулкка оид давлат хизматларини кўрсатишда ваколатли органлар ҳамда бошқа ташкилотлар билан идоралараро электрон ҳамкорлик учун зарур бўлган фазовий маълумотларнинг ягона манбаи ҳисобланади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Ўзбекистон Республикаси Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг тузилиши ва уни юритишни ташкил қилиш тартиби;

Давлат кадастрлари ягона тизимида тегишли тематик қатламлар давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш ишларининг бажарилишига асосан шакллантирилиши ва уларнинг назорат ҳолатида юритилишини ваколатли органлар томонидан таъминлаш тартиби;

Давлат кадастрлари ягона тизимида тақдим этиладиган маълумотларнинг таркиби ва мазмuni;

фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишларнинг ҳолати тўғрисида йиллик ҳисботни тайёрлаш тартиби;

б) Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ:

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) Кадастр агентлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда маслаҳат – кенгашув вазифасини амалга оширадиган коллегиал орган сифатида ташкил этилиши;

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари, ҳукуқлари ва жавобгарлиги;

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг таркиби, унинг фаолиятига умумий раҳбарлик масалалари;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси ва унинг ўринборсари функциялари, кенгаш котибияти ҳамда кенгаш аъзоларининг вазифалари;

в) Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк обьектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Кадастр агентлиги манфаатдор вазириклар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиrsин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “26 Ҳоктабр даги 620-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Фазовий маълумотлар миллий
инфратузилмасини юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Фазовий маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

атрибутив маълумот – географик ахборот тизими обьектларининг тавсифларини таърифловчи жадвал ва (ёки) матн кўринишидаги маълумотлар тўплами;

ваколатли органлар – зиммасига айрим давлат кадастрларини юритиш функциялари юклатилган ҳамда фаолияти давомида фазовий маълумотларни яратадиган, уларни қайта ишлайдиган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари;

маҳсус ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги;

базавий фазовий маълумотлар – ҳамма фойдалана оладиган, фазовий маълумотларга ишлов бериш жараёнлари учун бирхиллаштирилган рақамли координата – фазовий асосни ташкил этадиган фазовий маълумотлар;

геоахборот ресурслари – ахборот банклари ва фазовий маълумотлар базалари ҳамда метамаълумотлар, фазовий маълумотлар сервислари йиғиндиси;

интероперабеллик (ўзаро биргаликда амал қилиш қобилияти) – фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси фазовий маълумотларининг, метамаълумотларининг, техник ва дастурий воситаларининг ахборот ва функционал жиҳатдан ўзаро биргаликда амал қилиш қобилияти;

метамаълумотлар – фазовий маълумотларнинг тўпламлари, сервислари ва бошқа хусусиятларини тавсифлаш имконини берадиган, уларни идентификация қилиш, излаш, инвентаризациялаш ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган маълумотлар;

Миллий географик ахборот тизими (кейинги ўринларда – МГАТ) – фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг таркибий қисми бўлиб, миллий ва бошқа фазовий маълумотлар инфратузилмасига киритилган базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлардан фойдаланган ҳолда умумдавлат ва тармоққа оид аҳамиятга эга вазифаларни ҳал қилишга мўлжалланган автоматлаштирилган тизим;

геопортал – ахборот ресурслари түғрисидаги метамаълумотлар сақланадиган ва Интернет жағон ахборот тармоғида миллий географик ахборот ресурсларидан фойдаланишин таъминлайдиган геофазовий маълумотларнинг интернет-воситалари ва сервислари мажмуи;

Давлат кадастрлари ягона тизими (кейинги ўринларда – ДКЯТ) – давлат кадастрларининг барча турларини бирлаштирувчи қўп мақсадли тизим;

тематик қатлам – маълум худуддаги объектлар тўплами учун умумий бўлган координаталар тизимида бир мавзуга (ўсимликларга, автомобиль йўлларига ва х.к.) тегишли бир типдаги фазовий объектларни рақамли ифодалаш мажмуи;

фазовий (геофазовий) маълумот – жойдаги объектларнинг жойлашган жойи түғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, муайян шаклда ҳамда координаталар тизимларида ифодаланган ахборот;

WGS-84 (World Geodetic System 1984) – 1984 йилда АҚШ Мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган умумжағон геодезия координаталари тизими;

соҳага оид фазовий маълумотлар – базавий фазовий маълумотлар асосида яратилган мавзуга оид (тармоққа оид) фазовий маълумотлар;

фазовий маълумотлар – фазовий объектлар түғрисидаги, шу жумладан, уларнинг жойлашган жойи, шакли ва муайян шаклда ҳамда фазовий-вакт координаталари тизимларида тақдим этилган бошқа хоссалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар;

фазовий маълумотлар базаси – фойдаланувчиларнинг излаши ва қўллаши учун тизимли тарзда тартибга солинган ва ишлов берилган фазовий маълумотлар йифиндиси;

фазовий маълумотларнинг интеграциялашуви – турли манбалардан олинган фазовий объектлар ҳақидаги маълумотларни бирлаштириш;

фазовий маълумотлар инфратузилмаси – географик ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва улар билан алмашиниш учун базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар, метамаълумотлар, стандартлар ва регламентлар, ахборот узатиш тармоқлари ва геосервислар тизими;

фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчи – давлат ёки хўжалик бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фазовий маълумотларни ва метамаълумотларни яратиш ва янгилашни амалга оширадиган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

фазовий маълумотларга ишлов бериш – фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни яратиш, йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, янгилаш, визуаллаштириш, улардан фойдаланиш, уларни тақдим этиш, тарқатиш ва узатиш бўйича бир ёки бир нечта ҳаракатлар йифиндисини амалга ошириш;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси (кейинги ўринларда – ФММИ) – ташкилий тузилма, илмий-техника сиёсати, техник ва дастурий воситалар, базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар, метамаълумотлар ҳамда метамаълумотлар базаларини, фазовий маълумотлар сервисларини, норматив-хукуқий хужжатларни, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларни, ҳалқаро стандартларни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилиши мумкин бўлган фазовий маълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш, бериш, интеграциялаш ҳамда улардан фойдаланиш масалаларига доир Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларини ўз ичига оладиган тизим;

ФММИ администратори – геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органининг идоравий бўйсунувидаги юридик шахс бўлиб, ФММИни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожлантириш соҳасидаги чора-тадбирларни амалга оширади, ФММИнинг техник ва технологик таъминоти, сифатини назорат қилиш, маълумотларнинг сақланиши ва ҳимояси учун жавобгар бўлади;

ФММИнинг геопортали – геоахборот ресурслари тўғрисидаги метамаълумотларни сақлаб турадиган ва улардан фойдаланишни Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали таъминлайдиган фазовий маълумотларнинг интернет воситалари ва сервисларининг мажмуаси;

фазовий маълумотлар сақловчиси – давлат ёки хўжалик бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фазовий маълумотларни бошқарадиган ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа функцияларни амалга оширадиган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

фазовий маълумотлар сервислари – фойдаланувчиларга фазовий маълумотларга ишлов бериш ва уларни тақдим этиш бўйича операцияларни амалга оширишга мўлжалланган дастурий-техник воситалар;

фазовий маълумотлар тўплами – идентификация қилиш мумкин бўлган фазовий маълумотлар жамланмаси;

фазовий маълумотлардан фойдаланувчи (кейинги ўринларда – фойдаланувчи) – фазовий маълумотлардан фойдаланадиган юридик ёки жисмоний шахс;

фазовий объектлар – жойлашган жойи белгиланган фазовий-вақт координаталари тизимида аниқланиши мумкин бўлган табиий ва сунъий объектлар;

гравиметрия тармоғи – ер сатҳидаги оғирлик кучининг миқдорлари маълум бўлган геодезия пунктлари тизими;

нивелир тармоғи – жойда ишончли маҳкамланган, баландлиги эса ҳисоблаш боши (ноли) деб қабул қилинган бошлангич пунктдан бир системада аниқланган геодезик пунктлар (реперлар) тизими;

“Электрон ҳукумат” – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни тъминлашга қаратилган ташкилий-ҳукуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими.

3. ФММИ яратишдан мақсад:

фазовий маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш;

жамиятнинг фойдаланиши чекланмаган барча турдаги географик ахборотга бўлган эҳтиёжларини тъминлаш;

турли соҳаларда бошқарув қарорларини қўллаб-куватлаш тизимларида фазовий маълумотлар ва геоахборот технологияларини қўллаш самарадорлигини ошириш;

фуқаролар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фазовий маълумотларнинг давлат ва ҳудудий ресурсларидан эркин фойдаланишини тамиnlайдиган шарт-шароитларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш.

4. ФММИ яратиш ва юритишнинг асосий вазифалари куйидагилар ҳисобланади:

фазовий маълумотлар сервислари ва кадастр хизматларини кўрсатиш, идоралараро электрон ҳамкорлик учун зарур бўлган ер участкалари, бино ва иншоотлар, географик обьектлар номларини ўз ичига олган рақамли маълумотларни сақлаш;

кадастр хизматларини кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялаш;

кадастр обьектлари ва унга тааллуқли бўлган ахборот тизимларини “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграция платформасига бирлаштириш орқали амалга ошириш;

ягона миллий геоахборот манбаи сифатида базавий, соҳага оид фазовий маълумотлар, метамаълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ФММИни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожлантиришни тартибга соладиган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатларни (техник рөгламентлар, стандартлар ва классификаторларни) ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона координаталар тизимини ишлаш ҳолатида сақлаб туриш ва фойдаланиш, шу жумладан, доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станциялари тармоғини яратиш, юритиш ва ундан фойдаланиш ҳисобига тъминлаш;

давлат кадастрлари, картографик ва бошқа турдаги мониторингларни юритиш асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида базавий фазовий маълумотларни яратиш ва долзарблаштириш;

давлат бошқарув органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тармоққа оид (идоравий) вазифаларни ҳал қилиш учун зарур соҳага оид фазовий маълумотларни яратиш, юритиш ва долзарблаштириш;

фазовий маълумотларнинг турли тўпламларидан фойдаланишда уларни ўзаро таққослаш ва (интероперабеллигини) таъминлаш;

ФММИда мавжуд фазовий маълумотлар ва сервислардан фойдаланиб янги фазовий маълумотлар ва геоахборот тизимлари тўпламларини яратиш имкониятини таъминлаш ҳисобига фазовий маълумотлар тўпламларини яратишда такрорланишларнинг олдини олиш;

ФММИни давлат органлари ахборот-технологик инфратузилмаси билан интеграция қилиш;

республика ҳудудида жойлашган капитал қурилиш, транспорт ва муҳандислик инфратузилмаси обьектлари, саноат ва хўжалик обьектлари тўғрисида, маъмурий-худудий тузилма, ҳудуднинг кадастрга оид бўлиниши, ердан фойдаланиш ва ер тузиш тўғрисидаги фазовий маълумотларни тўплаш учун ерни масофадан туриб зондлаш материаллари, геоахборот тизимларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

худудий режалаштириш, ҳудудларни масофадан зондлаш, ердан фойдаланишни, ўрмон ва сув фонdlарини бошқариш, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни прогноз қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этишда тезкор қарорларни қабул қилиш, ҳарбийлаштирилган тузилмалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш, табиий ресурсларни муҳофaza қилиш, экология, туризм масалаларини ҳал қилиш учун картографик асосларни яратиш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғида ФММИ геопорталини шакллантириш ҳисобига фойдаланувчилар учун очиқ фойдаланишга рухсат берилган базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш;

сифатли ва кафолатланган сервислар ва маълумотларни тақдим этиш.

5. ФММИ куйидаги принциплар асосида юритилади:

фазовий маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш, ФММИни яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасидаги давлат бошқаруви;

ФММИни яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жараёнларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш, атроф ва табиий муҳитни муҳофaza қилиш, иқтисодий хавфсизлик, давлат бошқаруви, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлиги устувор вазифаларини ҳал қилишга бўйсундирилганлиги;

давлат ахборот ресурсларини ва янги базавий фазовий маълумотларни яратишда давлат органлари, шу жумладан, фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчи бошқа шахслар томонидан тартибга солинган координаталар тизимларидан ҳамда мавжуд базавий фазовий маълумотлардан фойдаланиш мажбурийлиги;

фазовий маълумотларни яратиш, янгилаш, ишлов бериш, сақлаш, тақдим этиш, уларни интеграция қилиш ва улардан фойдаланишни таъминлайдиган ФММИ администратори, фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчилар, сақловчилар ва фойдаланувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

барча фазовий объектлар бўйича фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни шакллантириш методологиясининг бирлиги;

давлат ахборот ресурсларини яратишда фазовий объектларнинг координаталари кўрсатилишининг мажбурийлиги;

фазовий маълумотларни яратиш, улардан фойдаланиш ва сифатини назорат қилиш тартиб-таомилларини стандартлаштириш;

фазовий маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги техник регламентлар, миллий стандартларнинг тегишли халқаро стандартлар билан уйғунлиги;

фазовий маълумотларнинг долзарблиги, ишончлилиги, тўлиқлиги, яхлитлиги ва аниқлилиги;

базавий фазовий маълумотларнинг ягона банкидан, тартибга солинган координаталар тизимидан, ягона техник регламентлардан ва стандартлардан фойдаланиш асосида фазовий маълумотларнинг мослиги;

базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларнинг интеграциялашуви;

фазовий маълумотлар сервислари ва тўпламлари ҳамда уларнинг метамаълумотларининг интероперабеллиги;

ахборотнинг очиқлиги ва шаффофлиги;

базавий фазовий маълумотлар ҳамда метамаълумотларнинг барча манфаатдор субъектлар учун очиқлиги ва оммавийлиги ҳамда уларни яратиш, йиғиш, сақлаш, тақдим этиш ва тарқатишнинг қонунийлиги.

6. ФММИни юритиш бўйича ишлар масъул органлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

2-боб. ФММИ тузилмаси ва уни юритишни ташкил қилиш

7. ФММИни яратиш, юритиш, ривожлантириш ва унинг ишлашини таъминлаш умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишларга киради.

8. ФММИ қуйидаги асосий компонентлардан иборат:

- илемий-техника сиёсати;
- базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар;
- метамаълумотлар;
- ФММИнинг геопортали;
- ФММИнинг геопорталлари тармоғи;
- ташкилий тузилма;
- соҳага оид ахборот тизимлари;
- ахборот ресурслари;
- технологиялар ва техник воситалар;
- веб-хариталаш, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фазовий маълумотларни олиш, фойдаланиш ва тарқатишнинг дастурий-технологик воситалари;
- фазовий маълумотлар сервислари;
- норматив-хуқуқий хужжатлар;
- фазовий маълумотлар, метамаълумотлар ва геоахборот сервисларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари ва норматив-хужжатлар.

9. ФММИни юритиш қуйидаги ишларни бажариш орқали таъминланади:

- базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларни ҳамда метамаълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш, уларга ишлов бериш, тақдим этиш ва улардан фойдаланиш;
- турли мақсадларга мўлжалланган геоахборот тизимлари ва сервисларини ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этиш;
- техник ва дастурий воситаларни яратиш;
- геопорталларни яратиш ва уларни таъминлаш;
- фазовий маълумотларнинг ва метамаълумотларнинг сифатини текшириш;
- фазовий маълумотлар базаларини ва метамаълумотлар базалари ва каталогларини, фазовий маълумотлар сервисларини, геоахборот тизимларини, геопорталларни, ФММИ соҳасидаги бошқа техник ва дастурий воситаларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот, тажриба-технологик ҳамда тажриба-конструкторлик ишларини бажариш;

фазовий маълумотлар, уларнинг сервислари ва метамаълумотларини ишлаб чиқиш, сақлаш, тақдим этиш, интеграция қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича стандартлар, норматив-хуқуқий хужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларни ишлаб чиқиш;

ФММИ фаолият кўрсатишини ҳамда ривожлантирилишини таъминлаш мақсадида бошқа ишларни бажариш мумкин.

10. ФММИ ташкилий тузилмаси қўйидагилардан иборат:

Вазирлар Маҳкамаси;

фазовий маълумотлар соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги);

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

ФММИга киритиладиган фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан, ўз ваколати доирасида давлат кадастрларини юритишга масъул органлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

ФММИ администратори;

фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчилар;

фазовий маълумотлар сақловчилари;

фазовий маълумотлардан фойдаланувчилар.

11. Кадастр агентлиги фазовий маълумотлар соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи сифатида қўйидаги функцияларни амалга оширади:

ФММИни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожлантириш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади;

ФММИни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожлантириш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритади, уларнинг бажарилишини таъминлайди;

давлат бошқарув органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек, фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган шахсларнинг ФММИни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради, ФММИни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини таъминлайди;

ФММИни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожлантиришни таъминлайди;

ФММИ администраторини белгилайди ва фаолиятини ташкил қиласди;

Базавий фазовий маълумотларга ишлов беради, ФММИ геопорталини яратиш ва фаолият кўрсатиши бўйича ишларни амалга оширади;

ФММИ базавий фазовий маълумотлари сақловчиси функцияларини бажаради, давлат бошқарув органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, юридик ва жисмоний шахсларни базавий фазовий маълумотлар билан таъминлайди;

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишларни бажаради, ФММИ техник ва дастурий воситалар яратилишини ва такомиллаштирилишини таъминлайди;

ФММИ, фазовий маълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш, уларга ишлов бериш, сақлаш, тақдим этиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича норматив-хукуқий хужжатларни, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар ва стандартларни қонунчиликда белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлади;

фазовий маълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш, уларга ишлов бериш, сақлаш, тақдим этиш ва улардан фойдаланиш жараёнлари устидан давлат назоратини амалга оширади;

фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш, ишлов бериш, сақлаш, тақдим этиш ва фойдаланишнинг белгиланган тартиби бузилганлигини аниқлаш натижалари бўйича фазовий маълумотлар соҳасидаги қонунчилик хужжатларининг бузилишида айборд мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш ҳакида асосланган қарор қабул қиласди;

фазовий маълумотлар соҳасида нарх сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

фазовий маълумотлар соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифасини амалга оширади;

ФММИ жорий этилиши ва ундан фойдаланилишини мониторинг қиласди, йиллик ҳисботларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ фазовий маълумотлар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

Қонунчилик хужжатларига мувофиқ ФММИни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожлантириш соҳасида бошқа функцияларни амалга оширади.

12. ФММИ администратори қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ФММИни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун маҳсус давлат ваколатли органига киритади;

базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларни, метамаълумотларни қабул қиласди ва назорат қиласди ҳамда уларни ФММИ геопорталига жойлаштиради;

геоахборот тизимларида, ресурсларида ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотларни “Электрон хукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашган платформасига тақдим этиб боради;

ФММИ фаолият кўрсатиши ва ривожлантирилишини техник ва технологик жиҳатдан таъминлайди, дастурий таъминотлар яратади ва унга хизмат кўрсатади;

фазовий маълумотлар сервисларини яратади ва уларга хизмат кўрсатишни таъминлайди;

ФММИ геопорталида жойлаштирилган маълумотлар ва метамалумотлардан, шунингдек, фазовий маълумотлар сервисларидан фойдаланишни таъминлайди;

ФММИ таркибидаги фазовий маълумотлар ва метамаълумотларнинг ишончлилиги ва долзарблигининг доимий мониторингини юритади.

ФММИ администратори фазовий маълумотлар сақловчисининг буюртмасига биноан:

қоғоз шаклдаги мавжуд фазовий маълумотларни электрон шаклга айлантиради;
фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни яратади;

базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар ва метамаълумотларга ишлов беради ва янгилайди;

базавий фазовий маълумотларни ва ФММИга киритилган метамаълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этади.

13. ФММИ администратори:

ФММИ геопорталида долзарб бўлмаган, ишончсиз, хато ёки белгиланган тартиби бузган ҳолда тақдим этилган фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар аниқланган тақдирда, ФММИ администратори ушбу маълумотлардан фойдаланишни чеклаб қўйилишини таъминлайди, шунингдек, бундай маълумотлар аниқланган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ФММИ геопорталида аниқланган фактни эълон қиласида ва тегишли фазовий маълумотлар сақловчисига камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади;

фазовий маълумотлар яратувчиси, сақловчиси кўрсатма талабарини бажармаган тақдирда, ФММИ администратори тегишли таклифларни тайёрлайди ва Кадастр агентлигига юборади, аниқланган муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўради.

14. ФММИ администраторининг жавобгарлиги ФММИ администратори техник ва технологик таъминот, ФММИда мавжуд маълумотларнинг сифатини таъминлаш ва назорат қилиш, сақлаш ва ҳимоя қилиш учун жавоб беради.

15. Фазовий маълумотлар ишлаб чиқарувчилари:

фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни яратиш ва янгилашни амалга оширади;

метамаълумотларни фазовий маълумотлар тўпламлари ва сервислари бўйича ушбу Низомга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга мувофиқ яратишлари ва янгилашлари шарт.

16. Фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ўзлари яратган фазовий маълумотларни ўн беш кун муддатда белгиланган тартибда ФММИ администраторига беғараз тақдим этишлари, шунингдек, метамаълумотлар элементлари қийматлари ўзгаргандан кейин ўн кун муддатда метамаълумотларни янгилашлари лозим.

17. Фазовий маълумотларни сақловчилар:

фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни яратишга буюртма берадилар;

фазовий маълумотлар ва метамаълумотларнинг янгилиниши ва юритилишини таъминлайдилар;

ўз ваколатларини амалга ошириш учун ФММИ таркибидаги фазовий маълумотлар ва метамаълумотлардан фойдаланадилар;

фазовий маълумотлар ва метамаълумотларнинг долзарблигини, ишончлилигини, яхлитлигини ва аниқлигини таъминлайдилар;

фазовий маълумотлар ва метамаълумотларнинг долзарблиги, ишончлилиги, тўлиқлиги, яхлитлиги, аниқлиги ва хавфсизлиги, шунингдек, базавий фазовий маълумотларнинг очиқлиги ва оммавийлигини таъминлайдилар.

18. Фазовий маълумотлардан фойдаланувчилар:

фазовий маълумотлар ва метамаълумотлардан фойдаланиш учун буюртма берадилар;

ўз ваколатларини амалга ошириш учун ФММИ таркибидаги фазовий маълумотлар ва метамаълумотлардан фойдаланадилар;

фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни учинчи шахсга тақдим этмайдилар;

фазовий маълумотлар сервисларидан фойдаланадилар;

фазовий маълумотлардан фойдаланиш жараёнида иккиласми яратилган фазовий маълумотларни ФММИга тақдим этадилар.

3-боб. ФММИ ахборот ресурслари

19. ФММИ ахборот ресурслари қуйидагилардан иборат:

базавий фазовий маълумотлар тўпламлари;

соҳага оид (тармоқ, мавзули) фазовий маълумотлар тўпламлари;

фазовий маълумотларни излаш ва улардан фойдаланишни таъминлаш учун метамаълумотлар, каталоглар ва метамаълумотлар базалари;

фазовий маълумотлар сервислари.

20. Фазовий маълумотлар тўпламлари учун қуйидагилар тегишли спецификацияларда ва метамаълумотларда белгиланган ва тавсифланган бўлиши керак:

ўлчов бирликлари;
фазовий координаталар тизимлари;
вақт координаталари тизимлари;
фазовий объектлар ҳусусиятларини тасвирлаш схемаси;
таснифлаш ва кодлаш тизимлари;
тақдим этиш форматлари;
фазовий объектларни рақамли тавсифлаш қоидалари;
фазовий маълумотларнинг каталоглари;
визуаллаштириш учун шартли белгилар мажмуаси;
янгилашнинг долзарбилиги;
янгилашнинг даврийлиги;
фазовий маълумотларнинг сифати.

21. ФММИда фойдаланиладиган фазовий маълумотларнинг асосий турлари:

рақамли картографик асос;
Ерни масофадан туриб зондлаш (ЕМТЗ) материаллари;
ЕМТЗ материаллари асосида яратилган ортофотопланлар ва бошқа ҳосилавий материаллар;
рельеф ва жойнинг рақамли моделлари;
базавий фазовий маълумотлар тўпламлари;
соҳага оид фазовий маълумотлар тўпламлари;
Географик объектларнинг номлари давлат реестри маълумотлар базаси;
Кўчмас мулк объектлари манзиллар реестри маълумотлар базаси;
Кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатга олиш интеграциялашган ахборот тизими маълумотлар базаси;
қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар базалари.

22. Фазовий маълумотларда фазовий объектнинг номи, унинг координата тавсифлари, манзили ва бошқа маълумотлар берилади.

4-боб. Базавий фазовий маълумотларга қўйиладиган асосий талаблар

23. Базавий фазовий маълумотлар қўйидаги фазовий объектлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади:

геодезия, нивелир ва гравиметрия тармоқлари пунктлари;
Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси, маъмурий-худудий бирликларнинг чегаралари;
гидрографик объектлар ва гидротехника иншоотлари;

аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкӯчалар, кўчалар, майдонлар, даҳалар, мавзелар, массивлар, боғлар, хиёбонлар);

саноат, қишлоқ хўжалиги объектлари ва ижтимоий-маданий объектлар;

бинолар ва иншоотлар;

автомобиль йўллари;

темир йўллар;

магистрал кувурлар;

муҳандислик коммуникациялари;

аэропортлар, дарё бандаргоҳлари;

ўсимлик қоплами ва тупроқлар;

ер участкаларининг чегаралари;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва маданий мерос объектлари;

аҳоли пунктларининг чегаралари ва зоналаштириш объектлари, шунингдек, шаҳар атрофидаги зоналар;

муҳофаза этиладиган зоналар ҳамда ҳудудлардан фойдаланишнинг алоҳида шартларига эга бўлган зоналар;

аҳоли пунктлари ҳудудидаги ва ундан ташқаридаги кўчаларнинг реестрлари ҳамда объектларнинг манзиллари;

географик объектларнинг номлари;

жой рельефи;

ортофотохариталар, аэро- ва космик суратлар ҳамда Ери масофадан туриб зондлашга доир ишларнинг натижалари.

Базавий фазовий маълумотлар таркибига қўшимча тарзда базавий маълумотлар мақомини бериш мақсадга мувофиқ деб топилган бошқа объектлар тўғрисидаги маълумотлар киритилиши мумкин.

24. Базавий фазовий маълумотлар тўпламларини яратишда қуйидаги асосий талабларга риоя этилади:

фазовий маълумотларнинг сифати уларнинг долзарблиги, ишончлилиги, тўлиқлиги, яхлитлиги ва аниқлиги;

мажбурий доимий сақланадиган атрибутларнинг минимал тўплами;

фазовий объектларни таснифлаш ва кодлашнинг мавжуд умумдавлат ва тармоққа оид тизимлар билан мослиги;

базавий фазовий маълумотлар тўпламларини шакллантиришдаги устуворликлар ва кетма-кетлик;

маълумотларни жойлардаги ўзгаришларга мослаштирган тарзда тезкор янгилаш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги хужжатларга қатъий амал қилиш;

жойнинг ҳолати тўғрисидаги базавий ахборот сифатидаги картографик асосдан базавий фазовий маълумотлар ва геоахборот тизимларининг рақамли тўпламларидан фойдаланишга изчиллик билан ўтиш.

25. Базавий фазовий маълумотлар ва уларнинг метамаълумотларини сақлаш, долзарблаштириш ва тақдим этиш учун ФММИ администратори томонидан базавий фазовий маълумотлар банки ташкил этилади.

Базавий фазовий маълумотлар банки базавий фазовий маълумотлар, уларнинг метамаълумотлари, классификаторлар, маълумотномалар ва реестрлар тўпламларидан, шу жумладан, Географик объектларнинг номлари давлат реестри, кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестри, МГАТ маълумотлар базаси ҳамда кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатдан ўtkазиш интеграцион ахборот тизими маълумотлар базасидан иборат бўлади.

26. Базавий фазовий маълумотлар таркибига киритилган объектлар бўйича бажарилган геодезия, картография, геоахборот ва кадастр ишлари натижаларидан фойдаланиб базавий фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар тўпламлари яратилади ва ФММИга киритилади.

Геодезия, картография, геоахборот ва кадастр ишлари натижалари эса буюртмачида (фазовий маълумотлар сақловчисида) ёки тегишли ишларни бажарувчида сакланади.

27. Базавий фазовий маълумотлар банкида мавжуд маълумотлар ва бошқа манбалардаги фазовий маълумотлар ўртасида қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган тақдирда, базавий фазовий маълумотлар банки маълумотлари ҳаққоний ҳисобланади.

28. Базавий фазовий маълумотлар тўпламларини долзарблаштириш фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчилари томонидан бажарилган барча турдаги геодезия, топография, картография, кадастр ва бошқа ишлар натижасида олинган материаллар (маълумотлар) асосида ФММИ администратори томонидан амалга оширилади.

29. Базавий фазовий маълумотлар тўпламлари умумдавлат ахборот ресурсларига тегишли бўлиб, давлат мулки ҳисобланади ва хусусийлаштирилмайди.

30. Базавий фазовий маълумотларга, уларнинг метамаълумотларига, таркиби ва мазмунига батафсил талаблар давлат стандартлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солувчи бошқа норматив хужжатлар билан ўрнатилади.

31. Базавий фазовий маълумотлардан барча давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фазовий маълумотларни яратишда иштирок этадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланиш учун мажбурийдир.

5-боб. Соҳага оид фазовий маълумотларга қўйиладиган талаблар

32. Соҳага оид (тармоққа оид, мавзули) фазовий маълумотларга ФММИ базавий фазовий маълумотларидан фойдаланиб яратилган, маълумотлари ва метамаълумотлари Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари талабларига жавоб берадиган ва ФММИга киритилган барча турдаги фазовий маълумотлар киради.

33. Соҳага оид фазовий маълумотлар қуйидаги соҳаларга тегишли маълумотларни ўз ичига олади:

Давлат кадастрлари ягона тизими таркибига кирувчи давлат кадастрлари объектлари ҳақидаги маълумотлар;

статистик маълумотлар;

аҳолининг тақсимланиши – демографияга оид маълумотлар;

геология (зоналаштириш, ер қатламлари ва бошқа маълумотлар);

тупроқ, тупроқ турларининг тарқалиши ва деградацияси;

худудларни режалаштириш ва ривожлантириш, инсон саломатлиги ва хавфсизлигига оид маълумотлар;

таълим (мактабгача, мактаб, ўрта маҳсус, олий) йўналишига оид маълумотлар;

коммунал хўжалиги;

атроф муҳит мониторинги;

қишлоқ хўжалиги;

метеорологик шароитнинг географик хусусиятлари ва иқлим тўғрисидаги маълумотлар;

денгизлар, дарёлар ва кўуллар минтақалари;

табиий энергия ресурслари, улардан фойдаланиш, бошқариш ва баҳолаш.

Соҳага оид фазовий маълумотлар таркибига қўшимча тарзда бошқа маълум бир соҳага оид маълумотлар киритилиши мумкин.

34. МГАТда шаклланадиган ДКЯТга оид фазовий объектлар тўғрисидаги тематик қатламларга қўйиладиган умумий талаблар қуйидагилар ҳисобланади:

тематик қатламларни шакллантиришда базавий картографик асосдан фойдаланиб, объект турлари ва ахборот турлари (рўйхатдан ўтказишга оид, ҳисобга олишга оид, баҳолашга оид) бўйича шакллантирилади;

тематик қатламлар объектнинг хусусиятидан ва объектларнинг жойлашувини аниқлаш усулидан келиб чиқиб 1:500, 1:1 000, 1:5 000, 1:10 000, 1:25 000 масштабларда шакллантирилади ҳамда объектларнинг фазовий жойлашувидаги хатолик мазкур масштаб талабларида белгиланган меъёрлардан ошмаган бўлиши ваколатли органлар томонидан таъминланади;

базавий картографик асоснинг тематик қатламлари ҳамда тегишли географик ахборот тизимларини юритиш учун зарур картографик асослар махсус ваколатли орган томонидан шакллантирилади ҳамда ваколатли органларга МГАТ орқали белгиланган тартибда тақдим этилади;

тематик қатламларнинг математик асоси базавий картографик асоснинг математик асосига мувофиқ бўлиши лозим ҳамда тақдим этилаётган маълумотлар WGS-84 тизимида бўлиши зарур;

тематик қатламларни шакллантиришда векторли обьектларнинг (нуқталар, чизиқлар ва полигонларнинг) ўзаро боғлиқлиги ва ёндошлиги уларнинг фазовий жойлашувини инобатга олган ҳолда тасвирланади;

тематик қатламларнинг атрибутив маълумотлари ҳамда метамаълумотлари давлат тилида лотин алифбосида шакллантирилади.

Зарур ҳолларда атрибутив маълумотлар бошқа тилларда ҳам бўлиши мумкин.

35. Фазовий маълумотлар тўпламлари давлат бошқарув органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фазовий маълумотларнинг бошқа ишлаб чиқарувчилари томонидан яратилиши мумкин. Ушбу фазовий маълумотлар таркиби ва маълумот алмашинуви тартиби уларни ишлаб чиқарувчилар ва Кадастр агентлиги томонидан келишилган ҳолда белгиланади.

36. Ваколатли органлар махсус ваколатли органга идоралараро электрон ҳамкорлик орқали реал вақт режимида куйидаги маълумотларни МГАТга ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ ягона технология бўйича тақдим этади:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – кўчмас мулкка нисбатан нотариал ҳаракатлар асосида юзага келадиган мулк ҳукуқи ва бошқа ашёвий ҳукуқлар ҳақидаги маълумотларни;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази – жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси – юридик ва якка тартиbdаги тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси – автомобиль йўлларининг умумий кўриниши ва автомобиль йўллари тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – тупроқ, тупроқ турларининг тарқалиши ва деградацияси, қишлоқ хўжалиги соҳаси учун яратилган фазовий маълумотлар ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қиймати тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги – ҳудудларни режалаштириш ва ривожлантириш ҳамда шаҳарсозлик хужжатлари тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси – статистик маълумотлар, аҳолининг тақсимланиши – демографияга оид маълумотлар ҳамда аҳолини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси – геология (зоналаштириш, ер қатламлари ва бошқа маълумотлар) ва фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри бўйича маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги – инсон саломатлиги ва хавфсизлигига оид маълумотлар ва техноген хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри бўйича маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги – таълим (мактабгача, мактаб, ўрта маҳсус, олий таълим) йўналишига оид маълумотларини;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – коммунал хўжалигига оид маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси – ўсимлик дунёси обьектлари, ҳайвонот дунёси обьектлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастрлари ҳамда атроф муҳит мониторингига оид маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази – метеорологик шароитнинг географик хусусиятлари, иқлим маълумотлари, денгизлар, дарёлар ва кўллар миңтақалари ҳамда сув кадастри тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

ДКЯТ обьектлари бўйича қуидагилар тақдим этилади:

давлат ер кадастри бўйича – Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотлар);

фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри бўйича – Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси;

давлат сув кадастри бўйича – Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (ер усти сувлари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари), Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолати);

давлат ўрмон кадастри бўйича – Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси;

бинолар ва ишоотлар давлат кадастри бўйича – Кадастр агентлигининг
Давлат кадастрлари палатаси;

давлат шаҳарсозлик кадастри бўйича – Ўзбекистон Республикаси
Курилиш вазирлиги;

гидротехника ишоотлари давлат кадастри бўйича
– “Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги;

моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастри бўйича
– Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги
Маданий мерос агентлиги;

автомобиль йўллари давлат кадастри бўйича – Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент
шаҳар ҳокимликлари;

темир йўллар давлат кадастри бўйича – Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ;

транспорт кувурлари давлат кадастри бўйича – Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ,
“Худудгаётаминот” АЖ;

алоқа объектлари давлат кадастри бўйича – Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги;

энергетика объектлари давлат кадастри бўйича – Ўзбекистон
Республикаси Энергетика вазирлиги, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ,
“Ўзбекгидроэнерго” АЖ, “Ўзбекистон МЭТ” АЖ, “Худудий электр
тармоқлари” АЖ;

ўсимлик дунёси объектлари, ҳайвонот дунёси объектлари, муҳофаза
этиладиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни қўмиб ташлаш ва утиллаштириш
жойлари давлат кадастрлари маълумотлари бўйича – Ўзбекистон
Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

табиий хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри бўйича
– Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси
Гидрометеорология хизмати маркази;

техноген хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри бўйича
– Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар
академиясининг Ядро физикаси институти;

картография-геодезия давлат кадастри бўйича – Кадастр агентлигининг
Давлат картография-геодезия фонди томонидан тақдим этилади.

Фазовий маълумотлар таркибида давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни, шунингдек, фойдаланилиши қонунчиликка мувофиқ чекланган бошқа ахборотни ташкил этадиган маълумотлар мавжуд бўлмаганда, белгилаган тартибда маълумотлар алмасилади.

37. Ҳар бир давлат кадастри бўйича тематик қатламлар ва уларнинг атрибутив маълумотлар жадвали мазкур Низомга 2–21-иловаларда белгиланган тематик қатламларга мувофиқ шакллантирилади.

38. Ваколатли органлар томонидан яратиладиган фазовий маълумотлар ва уларнинг тўпламлари ҳақидаги метамаълумотлар МГАТга киритилади.

ДКЯТга давлат кадастрлари фазовий маълумотлари ва уларнинг метамаълумотларини тақдим этиш, кўриб чиқиш ва маълумотлардаги камчиликларни маълум қилиб бориш ушбу Низомга 22-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

39. Соҳага оид фазовий маълумотлар тўпламлари базавий фазовий маълумотлар тўпламларида баён қилинган фазовий объектлар ҳақидаги атрибутив маълумотларни кенгайтириш ёки янги фазовий объектларнинг координата-атрибутив тавсифларини яратиш йўли билан шакллантирилади ва улар тегишли даражадаги базавий фазовий маълумотлар билан фазовий-координата ва топологик мос бўлиши лозим.

40. Соҳага оид фазовий маълумотларнинг ҳар бир тўплами учун метамаълумотлар, техник регламентлар, тармоққа оид стандартлар ишлаб чиқилади ва уларда объектлар каталоглари ва уларнинг атрибуслари, фазовий объектлар моделларини тақдим этиш чизмалари (схемалари), сифатга бўлган талаблар, тақдим этиш ва фойдаланиш шартлари белгиланади.

41. Соҳага оид фазовий маълумотларга метамаълумотлар, тармоққа оид стандартлар ва техник регламентлар ФММИ фазовий маълумотларининг давлат стандартлари асосида ҳамда очиқ геоахборот тизимларида маълумотларга ишлов беришнинг халқаро стандартлари ва техник шартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

6-боб. Метамаълумотларга асосий талаблар

42. Метамаълумотлар фазовий маълумотларни излаш, сифати, яроқлилиги ва ишлов бериш имкониятларини баҳолаш учун мўлжалланган. Фазовий маълумотлардан самарали фойдаланиш, ФММИ геопорталидан фойдаланувчиларга беғараз тақдим этиладиган метамаълумотлардаги мавжуд ахборотдан фойдаланиш йўли билан ташкил этилади.

43. Метамаълумотларнинг каталоглари ва базаларида маҳсус маълумотларнинг расмийлаштирилган тўпламлари мавжуд бўлиб, уларда географик ахборот элементларининг таркиби ва хоссалари баён этилади, ахборот рақамли ва рақамсиз кўринишда ахборотни излаш, унинг сақловчилари, ишлаб чиқарувчилари ва фойдаланувчилари ўртасида ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида сақланади ва тақдим этилади.

44. Метамаълумотлар интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ФММИ геопорталида жойлаштириладиган XML-схемадан фойдаланиб яратилган XML форматидаги файллар кўринишида электрон шаклда яратилади.

45. Метамаълумотларнинг асосий функциялари қўйидагилардан иборат:

ФММИдан жойлаштирилган фазовий маълумотлар тўпламининг мавзуси ва ҳудудий қамрови ҳақидаги ахборот асосида фазовий маълумотларни излаш;

фазовий маълумотларнинг таркиби, аниқлиги ва бошқа сифат кўрсаткичлари ҳақидаги метамаълумотлардан фойдаланиб, уларнинг мақсади ва яроқлилигини баҳолаш;

ФММИ таркибидаги геоахборот ресурсларнинг алоҳида кўрсатилган манзиллари бўйича фазовий маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш;

фазовий маълумотларга ишлов беришга бўлган талаблар ва улардан фойдаланиш шартлари тўғрисидаги ахборотлар асосида маълумотлардан фойдаланишни қўллаб-куватлаш.

46. Метамаълумотлар идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган барча базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларга асосан республика, ҳудудлар ва маҳаллий даражада шакллантирилади.

ФММИ администратори ва фазовий маълумотлар ишлаб чиқарувчилари метамаълумотларни фазовий маълумотлар тўпламлари ва сервислари бўйича ушбу Низом, давлат стандартлари ҳамда фазовий маълумотлар соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ яратиши ва янгилаб бориши шарт.

47. Фазовий маълумотлар тўпламлари ва сервислари бўйича метамаълумотлар қўйидаги ахборотларни ўз ичига олади:

фазовий маълумотларнинг тури, таркиби ва тузилмаси;

фазовий маълумотлар яратилган ҳудуднинг жойлашган жойи;

фазовий маълумотларнинг яратилган (янгиланган) йили;

фазовий маълумотлар тақдим этилган координаталар тизими;

фазовий маълумотлар сифати (давлат стандартлари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги);

фазовий маълумотларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлиги;

фазовий маълумотларни сақлаш формати;

фазовий маълумотларда тижорат, хизмат ёки қонун томонидан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил қиласидиган маълумотларнинг мавжудлиги;

фазовий маълумотларнинг ишлаб чиқарувчиси ҳақидаги маълумотлар;

фазовий маълумотлар сақловчиси ҳақидаги маълумотлар;

фазовий маълумотлар тўпламлари ва сервисларининг очиқлиги, уларни сотиб олиш ва ишлатиш муддатлари, нархлари ва бошқа шартлари;

фазовий маълумотлар тўпламлари ва сервисларини яратиш, бошқариш ва тақсимлаш учун масъул ахборот ресурслари операторлари тўғрисидаги маълумотлар;

фазовий маълумотлар тўпламлари ва сервисларидан фойдаланишни чеклаш шартлари;

фазовий маълумотлар тўпламлари ва сервисларининг кўшимча тавсифлари (агар бўлса).

7-боб. Фазовий маълумотлар ва метамаълумотларнинг ахборот ва функционал интероперабеллигига қўйиладиган асосий талаблар

48. Фазовий маълумотлар тўпламлари, метамаълумотлар, фазовий маълумотлар сервислари, ФММИ техник ва дастурий воситаларининг ахборот ва функционал интероперабеллигига маълумотлар моделлари, уларни тақдим этиш ва алмашиш форматига ягона стандартлар тизимини кўллаш ҳамда фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни олишнинг бирхиллаштирилган геоахборот сервисларидан фойдаланиш орқали эришилади.

49. Турли манбалардан олинадиган фазовий маълумотлар тўпламларининг семантик даражасида интероперабелликни таъминлаш мақсадида уларни яратишда қўйидаги талаблар бажарилиши лозим:

ягона координаталар асосини кўллаш;

фазовий объектларга ноёб идентификаторларни беришнинг ягона тизимини кўллаш;

уларнинг интероперабеллигини таъминлаш учун турли даражаларда кўлланиладиган идентификаторларни интеграция қилиш;

фазовий объектлар ўртасида мантиқий ва топологик ўзаро боғлиқликни сақлаб туриш;

атрибутив ахборотнинг очиқ таснифлаш тизимидан фойдаланиш;

маълумотларнинг вақт интервали тўғрисида ахборот бўлиши;

маълумотларнинг мунтазам янгиланиб турилиши.

50. Фазовий маълумотларнинг алоҳида мавзулари интероперабеллиги ва уйғунлигини таъминлаш учун ишлаб чиқарувчилар маълумотларнинг умумий турларига, фазовий объектларни идентификациялашга, метамаълумотлар элементларига қўйиладиган талабларга ва фазовий маълумотларнинг барча мавзуларига татбиқ этиладиган қоидаларга риоя этишлари лозим.

Фазовий маълумотларнинг битта мавзуси доирасида интероперабеллик ва уйғунликни таъминлаш учун барча ишлаб чиқарувчилар фазовий маълумотларнинг ушбу мавзусига қўлланиладиган фазовий маълумотлар таснифлари ва таърифларидан, уларнинг асосий атрибутлари ва ассоциатив ролларидан, маълумотлар турларидан, йўл қўйиладиган қийматлар соҳасидан ва маҳсус қоидалардан фойдаланишлари лозим.

51. Интероперабелликка бўлган батафсил талаблар, интероперабелликни таъминлашнинг ташкилий, техник усулларини белгилайдиган давлат стандартлари ҳамда фазовий маълумотлар соҳасини техник жиҳатдан тартибга солувчи норматив хужжатларда белгиланади.

8-боб. Фазовий маълумотлардан, метамаълумотлардан ва фазовий маълумотлар сервисларидан маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш тартиби

52. ФММИ администратори фазовий маълумотлардан, метамаълумотлардан ва фазовий маълумотлар сервисларидан фойдаланувчиларнинг фойдаланишларини ҳамда фазовий маълумотлар сақловчилари манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этади.

ФММИ администратори базавий фазовий маълумотларни ва метамаълумотларни ушбу Низомга, фазовий маълумотлар соҳасини техник жиҳатдан тартибга солувчи норматив хужжатларга мувофиқ фойдаланувчиларга тақдим этади.

53. Базавий фазовий маълумотлар фойдаланувчиларга ФММИнинг геопортал сервисларидан ва “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашган платформасидан фойдаланган ҳолда Кадастр агентлиги билан келишувга мувофиқ тақдим этилади.

54. Фазовий маълумотларнинг ишлаб чиқарувчилари ва сақловчилари ФММИ администраторига базавий фазовий маълумотларни фазовий маълумотлар сервисларига киришга рухсат бериш ҳамда фазовий маълумотларни келишилган шакл ва сифатда узатиш йўли билан тақдим этадилар.

55. Фазовий маълумотлар ишлаб чиқарувчиси ва сақловчиси:

фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни ФММИ администраторига тақдим этилишини таъминлайдилар;

ФММИ администраторига ўз фазовий маълумотлари ва метамаълумотларидан фойдаланиш имкониятини таъминлайдилар;

ўз ваколатларини амалга ошириш учун фазовий маълумотлар ва метамаълумотлардан фойдаланадилар;

расмий веб-сайтларида ўз геопорталлари ва ФММИ геопортали орқали фазовий маълумотлардан фойдаланиш шартлари ҳақидаги ахборотни жойлаштирадилар.

56. ФММИ администратори фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ва сақловчилар билан биргаликда ФММИ геопорталлари тармоғини яратади ҳамда унинг қуйидаги фазовий маълумотлар сервислари билан фаолият кўрсатишини таъминлайди:

фазовий маълумотлар ва фазовий маълумотлар сервисларини ахборот тармоқларида топишни таъминлайдиган излаш сервислари;

фазовий маълумотларни, фазовий объектлар тавсифлари ва метамаълумотлар мазмуни ҳақидаги ахборотни кўриб чиқиш сервислари;

фазовий маълумотларни бевосита олишни ва (ёки) уларнинг нусхаларини олишни таъминлайдиган сервислар;

фазовий маълумотлар координаталарини трансформациялаш, битта координаталар тизимидан ёки картографик проекциядан бошқасига ўтказиши таъминлайдиган координата операциялари сервислари.

57. Геопорталлар тармоғи ФММИ геопорталини ҳамда фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ва сақловчиларнинг геопорталларини ўз ичига олади.

ФММИ геопорталида фазовий маълумотларни сақловчилар томонидан мазкур Низомга мувофиқ тақдим этиладиган базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар жойлаштирилади.

Фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ва сақловчилар геопорталларига давлат органлари ҳамда фазовий маълумотларга ишлов берувчи бошқа шахслар томонидан тармоққа оид вазифаларни амалга ошириш учун яратилган соҳага оид фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар жойлаштирилади.

58. Геопорталлар қуйидаги функцияларнинг амалга оширилишини таъминлаши лозим:

картографик визуаллаштириш;

метамаълумотлардан фойдаланиб фазовий маълумотлар банкига кириш;

фазовий маълумотларни, фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ва сақловчиларни излаш;

намунавий сўровларни таъминлайдиган сервислар тўпламлари;

тақдим этилган фазовий маълумотларни таърифлаб берувчи ва уларни қўллаш даражасини баҳоловчи метамаълумотлардан фойдаланиш;

ФММИ асосий вазифалари ва функцияларига мос келадиган иловаларнинг мавжудлиги;

веб-сервислар сифатини мониторинг қилиш, шу жумладан, сервислар сифатини ошириш мақсадида турли статистик ахборотни тўплаш ва уни таҳлил қилиш.

59. Ахборотни геопорталларда самарали излаш фан соҳасидаги луғатлар, маълумотномалар, тезауруслар ва онтологиялар орқали таъминланади.

60. Геопорталларда фазовий маълумотларни излаш учун қуйидаги минимал мезонлар бўйича сервислар киритилади:

харитада жойлашган жойи ва номи;

ташкилотларнинг номлари;

калитли сўзлар;

тузилма тури (давлат бошқарув органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик субъектлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар);

тақдим этиш шакли;

ҳолати (тугалланган, яратилаётган ва янгиланаётган);

бошланғич масштаби;

маълумотларнинг долзарбилиги;

маълумотларни юклаб олиш мумкинлиги.

61. Геопорталлар визуаллаштириш воситалари ёрдамида фазовий маълумотларни дастлабки кўриб чиқиш йўли билан зарур маълумотларни излашни таъминлаши шарт.

Фазовий маълумотларни визуаллаштириш уларни картографик тасвирлар кўринишидаги растр ва (ёки) вектор шаклида, шунингдек, матрицали (тўрли) тақдим этишда турли аниқликдаги аэро ёки космик сурат, ортофотоплан (ортомозаика) кўринишида тақдим этилишини таъминлаши лозим.

Кўшимча визуаллаштириш воситаларида фазовий маълумотлар асосида картографик тасвирларни ҳосилавий жамлаш, уларни уч ўлчамли кўринишда, реал вақт режимида тақдим этиш ва бошқалар назарда тутилиши мумкин.

62. Геопорталлар метамаълумотлардаги тегишли ахборотга қараб фазовий маълумотлардан фойдаланишнинг ҳар хил турларини таъминлаши лозим, хусусан:

эркин фойдаланиш – уларни чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар олишга ҳақли, материаллар (маълумотлар) беғараз тақдим этилади ва исталган мақсадларда фойдаланилиши мумкин;

ҳақ эвазига чекланмаган фойдаланиш – уларни чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар олишга ҳақли, фойдаланувчилар идентификация қилинади, материаллар (маълумотлар) ҳақ эвазига берилади;

лицензияланадиган фойдаланиш – интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланувчилар фақат лицензия шартномаси асосида фойдаланишлари мумкин.

63. Фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар давлат органларига – ўз ваколатларини амалга ошириши учун беғараз, бошқа фойдаланувчиларга эса – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Кадастр агентлиги томонидан белгиланган микдорда ҳақ эвазига тақдим этилади.

64. Давлат органлари, фазовий маълумотларга ишлов берувчи шахслар қонунчиликка мувофиқ фазовий маълумотлар ва метамаълумотлардан фойдаланишни чеклаб қўйишлари мумкин.

65. Методик, лингвистик, техник ва дастурий воситалар республика, худудлар ва маҳаллий даражада ФММИни юритиш жараёнидаги қуидаги асосий операцияларнинг автоматлаштирилган тарзда бажарилишини таъминлаши лозим:

электрон хужжатлар айланмасининг ва маълумотлар алмашинувининг бирхиллаштирилган тизимидан фойдаланган ҳолда хужжатлаштирилган маълумотларни бошқа кадастр ва ахборот тизимлари билан айирбошлиш;

ФММИда сақланадиган маълумотларнинг захира нусхасини яратиш ва ҳимоя қилиш;

янги хужжатлар ва маълумотларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, шунингдек, белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб тан олинган хужжатлар ва маълумотларни архивда сақлаш режимига ўтказиш йўли билан ахборот ресурсларини долзарблаштириш;

фазовий маълумотларни базага киритиш, таҳрир қилиш ва янгилаш, рақамли хариталарни яратиш, чоп этиш ва улардан фойдаланиш;

ахборотни объект манзили ёки унинг идентификация рақамига, ер участкасининг координаталари ёки кадастр рақамига, хужжатнинг номи ва реквизитларига қараб излаш;

таҳлилий ҳисботларни тузиш, чиқиш хужжатларини босма ва (ёки) электрон кўринишда шакллантириш, чоп этиш ва тақдим этиш;

ФММИ ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда босма ва (ёки) электрон кўринишда киритилган ёки шакллантирилган, чоп этилган ёки тақдим этилган хужжатларнинг кириш (чиқиш) реестрини юритиш.

66. ФММИ геопорталининг техник ва дастурий воситаларига, функцияларига ва фазовий маълумотлар сервисларига батафсил талаблар давлат стандартлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив хужжатлар билан белгиланади.

9-боб. ФММИни ривожлантириш бўйича ишларнинг ҳолати тўғрисида йиллик ҳисоботни тайёрлаш тартиби

67. ФММИ администратори ФММИнинг фаолият кўрсатиши ва ривожлантирилишини ФММИга киритилган фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни излаш, тўплаш, умумлаштириш, уларнинг мавжудлиги, долзарблиги, ишончлилиги, очиқлиги ва интероперабеллиги ҳақидаги кўрсаткичларни баҳолаш ва рейтинглаш йўли билан доимий мониторинг юритади.

68. Кадастр агентлиги ФММИ фаолият кўрсатиши ва ривожлантирилишини мониторинг қилиш кўрсаткичлари ва методикасини белгилайди, шунингдек, мониторинг натижаларини ўзининг расмий сайтида эълон қиласади.

69. Мониторинг ва бошқа тадбирлар натижалари асосида Кадастр агентлиги ФММИни ривожлантириш бўйича ишларнинг ҳолати ҳақида йиллик ҳисобот тузади, Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш йигилишига киритади ва ҳисобот давридан кейинги йилнинг 31 январигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

ФММИни ривожлантириш бўйича ишларнинг ҳолати ҳақидаги йиллик ҳисоботнинг лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритишдан олдин ФММИни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш кўриб чиқади ва ўз таклифларини беради.

70. ФММИни ривожлантириш бўйича ишларнинг ҳолати ҳақидаги йиллик ҳисобот қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

ФММИни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожлантирилиши масалалари бўйича давлат дастурлари ва бошқа дастурларнинг амалга оширилиши;

фазовий маълумотлар соҳасида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишларнинг бажарилиши;

фазовий маълумотлар соҳасидаги норматив-хуқуқий база, стандартлаштириш ва фазовий маълумотлар соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солиш тизимларини ривожлантириш ҳолати;

ФММИ фаолият кўрсатиши ва ривожланиши мониторинги натижалари, долзарб бўлмаган ишончсиз ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда тақдим этилган фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар;

фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар сифатини илмий-техник экспертизадан ўtkазиш натижалари;

ижтимоий-иктисодий, экологик, илмий ва бошқа вазифаларни ҳал қилишда базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлардан фойдаланиш хусусияти ва миқдорий кўрсаткичлари;

ФММИ геопорталлари тармоғининг ишлаши;

ФММИ фаолият кўрсатишининг молиявий-иктисодий кўрсаткичлари.

Йиллик ҳисобот, шунингдек, ФММИ ишида аниқланган камчиликлар ва муаммолар ҳақидаги ахборот, ФММИни янада ривожлантириш бўйича таклифлар, бошқа зарур ахборот ҳам киритилади.

71. Кадастр агентлиги ФММИни ривожлантириш бўйича ишларнинг ҳолати ҳақидаги йиллик ҳисоботни Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқуллангандан кейин ўзининг расмий сайтида эълон қиласди.

10-боб. Якунловчи қоидалар

72. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбордor бўлган шахслар қонунчилиқда белгилangan тартибda жавоб берадилар.

Фазовий маълумотлар соҳасидаги хукуқбузарликлар учун:

фазовий маълумотлар ва метамаълумотларга ишлов бериш ва улардан фойдаланганда стандартлар, нормалар ва қоидаларнинг бузилишида;

базавий фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни ФММИ администраторига тақдим этиш шартларини бузишида;

ФММИга киритилган фазовий маълумотлар ва метамаълумотларнинг ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб кўрсатилиши, фойдаланиш чеклаб қўйилиши ва қалбакилаштиришида;


муаллифлик хукуки ва интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбордor шахслар жавобгар бўладилар.

Юридик ва жисмоний шахсларга фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар ахборот ресурсларини шакллантиришда ва улардан фойдаланишда қонун ҳужжатларини бузганлиги учун қонунчиликка мувофиқ бошқа чоралар ҳам белгиланиши мумкин.

73. ФММИни яратиш, унинг фаолият кўрсатиши ва уни ривожлантириш соҳасидаги низолар қонунчилик ҳужжатларида белгилangan тартиbda ҳал этилади.

74. Фазовий маълумотлар соҳасидаги фаолият натижасида юридик ёки жисмоний шахсга етказилган моддий ва (ёки) маънавий зарар қонунчилик ҳужжатларида белгилangan тартиbda қопланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш схемаси



**Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри бўйича тематик қатламларнинг атрибутив
МАЪЛУМОТЛАРИ**

**“Техноген хавф юқори бўлган зоналарга эга хавфли ишлаб чиқариш обьектлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1-жадвал

T/r	TXYZ obyektining nomi	TXYZ obyektining idoraviy mansubligi	TXYZ obyektining manzili	TXYZ obyektining koordinatasi (X)	TXYZ obyektining koordinatasi (Y)	TXYZ obyektining yer uchastkasi kadastr raqami	TXYZ obyektining kadastr ro'yhatidan o'tkazilgan sana va raqami	TXYZ obyektining yer uchastkasi umumiy maydoni (hektar)
1	2	3	4	5	6	7	8	9

1-жадвалнинг давоми

TXYZ obyektining vazifalari	TXYZ obyektida ishlab chiqarish, qayta ishlash, saqlash va ulardan foydalanish moddasining nomlari	TXYZ obyektining hozirgi kundagi holati	TXYZ obyektining ekspluatasiyaga tushirilgan sanasi	Sanitariya himoyasi masofasi	TXYZ obyektida xodimlarning ishlash vaqtি (bir sutka davomida(soat))	TXYZ obyektidan aholi yashash punktigacha bo'lган masofa (kmda)
10	11	12	13	14	15	16

1-жадвалнинг давоми

TXYZ obyektiga eng yaqin bo'lган obyektlar (metr)	TXYZ obyektidan tuman yong'in xavfsizligi bo'limigacha bo'lган masofa (kmda)	TXYZ obyektida yong'in o'chirish texnikasining turi va sonlari	Texnogen xavf sodir bo'lganda zararlanish maydoni (metr kv)	Texnogen xavf rivojlanishida ustunlik qiluvchi turi	TXYZ obyektining umumiy bahosi (so'm)	Inson salomatligi uchun salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillar
18	19	20	21	22	23	24

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам нуқтали шартли белги билан кўрсатилади.

**“Одамларни эвакуация қилишни ёки кўчиришни талаб қиладиган техноген хавфи юқори бўлган зоналар”
тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

2-жадвал

T/r	Obyektning nomi (to'liq)	Obyektning manzili (to'liq)	Obyektning umumiy maydoni (ga)	Obyektning kadastr raqami va ro'yxatdan o'tkazilgan sana	Obyektda umumiy xodimlarning soni	Obyektda xodimlarning soni (bir sutka davomida)	Obyektdan aholi yashash punktigacha bo'lgan masofa (km)	Obyektning sanitarni zonasasi	Xavfi yuqori bo'lgan obyektnining vazifasi	Inson salomatligi uchun salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillar
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

2-жадвалнинг давоми

Zararlanishi mumkin bo'lgan maydon o'lchami	Zararlanishi mumkin bo'lgan odamlar soni	Yengil avtomo-billar	Yuk avtomashinalari	Avtobuslar	Buldozerlar	Boshqalar	Gaz niqobi; Himoya kaskasi	Xabar berish holati	Evakuasiya manzili	Evakuasiyaga jalb qilinadigan odamlar soni (hududiy FVB hamda mexanizasiyalashgan otryadlar)
12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам нуқтали шартли белги билан кўрсатилади.

**“Портлаш ва ёнғин чиқиши хавфи юқори бўлган зоналар (объектлар)” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

3-жадвал

T/r	Obyektning nomi (to'liq)	Obyektning manzili (to'liq)	Obyektning maydoni	Obyektning kadastr raqami	Obyektda umumiylar xodimlarning soni	Obyektda xodimlarning soni (bir sutka davomida)	Obyektdan axoli yashash punktigacha bo'lgan masofa (km)	Obyektning sanitarni zonasi	Obyektning vazifasi
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

3-жадвалнинг давоми

Portlash yong'in xavfi bo'yicha toifasi (A, B, V, G, D,)	Yong'inga bardoshlik darajasi bo'yicha sinfi (I, II, III, IV)	Obyektda yonuvchi mahsulot nomi	Qavatlar soni	Eng yaqin suv manbaalarigacha bo'lgan masofa (kmda)	Obyektdan tuman YoXB gacha bo'lgan masofa (kmda)	Yong'in xaqida avtomatik ravishda xabar berish qurilmasi, (himoyalash maydoni m2 da)	Ovozli xabarlash tizimi	Avariayivi yoki qutqaruv yoritish tizimi	Birlamchi yong'in o'chirish vositalarining mavjudligi
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20

3-жадвалнинг давоми

Yong'in o'chirish avtomobililar soni	Maxsus avtomobillar soni	Isitish tizimining turi	Yong'in o'chirish moddasining turi	Tutun tortish tizimi	Havo berish tizimi	Himoya maydoni (ga da)	Yong'in o'chirish jumraklarining soni	Sarfı l/s	Nasoslar soni	Nasoslarning quvvati l/s
21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам нуқтали шартли белги билан кўрсатилади.

“Кучли таъсир қилувчи заҳарли химикатлар, пестицидлар ва бошқа моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш обьектлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари

ЖАДВАЛИ

4-жадвал

T/r	Obyektning nomi	Obyektning manzili	Obyektning vazifalari	Obyektda ishchi xodimlarning soni	Obyektda ishchi xodimlarning ishlash vaqtি (bir sutka davomida)	Obyektdan aholi yashash punktigacha bo‘lgan masofa (kmda)	Korxona rahbari (F.I.Sh.)	Xavfsizlik bo‘yicha mas’ul shaxs (F.I.Sh.)	Ishlab chiqarish, qayta ishlash, saqlash va ulardan foydalanish moddalarining nomlari
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

4-жадвалнинг давоми

Ishlab chiqarish, qayta ishlash, saqlash va ulardan foydalanish moddalarining bir yillik quvvati	Xavflilik darajasi	Mahsulot saqlanadigan joyi	Sanitariya himoyasi masofasi	Sanitariya pasporti berilgan sana va uning amal qilish muddati	Obyektning hozirgi kundagi holati	Konservatsiya yoki rekonstruksiya ishlari to‘g‘risida ma’lumotlar	Inson salomatligi uchun salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi omillar
11	12	13	14	15	16	17	18

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибӯ тематик қатлам нуқтали шартли белги билан кўрсатилади.

“Кучли таъсир қилувчи ионлаштирувчи нурланиш манбаи, радиоизотоп буюмлар, радиоактив ва бошқа моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш объектлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари

ЖАДВАЛИ

5-жадвал									
T/r	Obyektning nomi	Obyektning manzili	Obyektning faoliyat yo'nalishlari	Obyektda ishchi xodimlarning soni	Obyektda ishchi xodimlarning ishlash vaqtি (bir sutka davomida)	Ionlashtiruvchi nurlanish manbai (INM)ning nomi	INM ishlab chiqargan davlat	INM seriyasi va raqami	INM ro'yxatga olingan raqami
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

5-жадвалнинг давоми									
INMdan foydalanish boshlangan vaqt	INM vazifasi	INM xavflilik darajasi	Sanitariya himoya masofasi	INM bilan personalning ishlash vaqtি (bir sutka davomida)	INM hozirgi kundagi holati	INM ekspluatatsiya qilish muddati	Radiatsion xavflilik bo'yicha ma'sul shaxsning (F.I.Sh.)	Sanitariya pasporti berilgan sana va uning amal qilish muddati	Inson salomatligi uchun salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillar
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам нуқтали шартли белги билан кўрсатилади.

**“Радиациявий хавф юзага келиши мумкин бўлган зоналар” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

6-жадвал

T/r	Obyektning nomi	Obyektning o‘rnashgan joyi	Obyektning foydalanishga qabul qilingan sanasi	Obyektning vazifasi	Obyektning hozirgi kundagi holati	Obyektda ishlash vaqtি	Radiatsiyaviy xavf bahosi Iqtisodiy
1	2	3	4	5	6	7	8

6-жадвалнинг давоми

Radiatsiyaviy xavf bahosi Ekologik	Radiatsiyaviy xavf bahosi Ijtimoiy	Radiatsiyaviy xavfdan zararlanishi mumkin bo‘lgan maydon	Xavfli jarayonning rivojlanishi	Sanitariya himoya masofasi
9	10	11	12	13

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам нуқтали шартли белги билан кўрсатилади.

**“Техноген хавфи таъсир этувчи санитария муҳофаза зоналари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

7-жадвал

T/r	Obyektning nomi	Obyektning o‘rnashgan joyi	Obyekt qurilishiga asos	Sanitariya himoya masofasi	Hududda ruxsat etilgan faoliyat turi	Hududda ruxsat etilmagan faoliyat turi
1	2	3	4	5	6	7

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**Давлат сув кадастри бўйича тематик қатламларнинг атрибутив
МАЪЛУМОТЛАРИ**

**“Сув обьектлари — ер усти сувлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1-жадвал

T/r	Suv obyektining gidrologik o‘rganilganlik bo‘yicha identifikatsiya raqami	Suv obyektining nomi	Suv obyekti joylashgan joyi	Suv obyekti joylashgan yer uchastka kadastr raqami	Suv obyektining tipi	Suv obyektining etakdan masofasi, km	Suv to‘planadigan maydon, kv.km
1	2	3	4	5	6	7	8

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатиласди.

**“Сувларнинг сатҳлари”, “Сув сарфи” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

2-жадвал

T/r	Gidrologik postning nomi	Gidrologik postning kodi	Gidrologik post joylashgan o‘zan	yanvar	fevral	mart	aprel	may	iyun	iyul	avgust	sentyabr	oktyabr
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

2-жадвалнинг давоми

noyabr	dekabr	O‘rtacha yillik	Yil davomidagi eng katta	Holatlarning sanasi/soni	Yil davomidagi eng kichik	Holatlarning sanasi /soni	Ko‘p yillar davomidagi o‘rtacha	Ko‘p yillar davomidagi eng katta	Holatlarning sanasi/soni	Ko‘p yillar davomidagi eng kichik
15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам нуқтали шартли белги билан кўрсатиласди.

**“Ер ости сув конлари ресурслари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

3-жадвал

T/r	Yer osti suv konlari nomi	Yer osti suv konlari kadastr (identifikatsiya) raqami	Jami suv resurslari (ming m ³)	<i>Shu jumladan mineralizatsiyasi bo'yicha (ming m³)</i>				<i>Amalda olinayotgan jami suv hajmi (ming m³)</i>
				<i>1,0 g/l gacha</i>	<i>1,0-1,5 g/l</i>	<i>1,5-3,0 g/l</i>	<i>3,0 g/l dan ortiq</i>	
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Ер ости сув кони участкаларининг тасдиқланган захиралари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

4-жадвал

T/r	Yer osti suv koni uchastkalarining nomi	Yer osti suv koni uchastkalarining kadastr (identifikatsiya) raqami	Yer osti suv koni uchastkalarining o'rashgan joyi	Jami zaxirasi ming m ³	A+V+S1 Toifasi bo'yicha zaxirasi ming m ³	Tasdiqlangan ekspluatatsion zaxiralar to'g'risidagi ma'lumotlarni tasdiqlagan organ	Tasdiqlangan ekspluatatsion zaxiralar to'g'risidagi ma'lumotlarni tasdiqlagan bayon raqami	Tasdiqlangan ekspluatatsion zaxiralar to'g'risidagi ma'lumotlar tasdiqlangan sana	Yer osti suvlarining ishlatalish turi	Amalda olingan suv hajmi ming m ³ /sut
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Гурухли сув олиш иншоотлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

5-жадвал

T/r	Suv chiqarish inshooti nomi	Suv olish inshootining kadastr (identifikatsiya) raqami	Suv olish inshootlaridan foydalaniladigan tashkilot	Suv olish inshootining o‘rnashgan joyi	Jami zaxirasi ming m ³ /sut	Tasdiqlangan ekspluatatsion zaxiralar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni tasdiqlangan organ	Tasdiqlangan ekspluatatsion zaxiralar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni tasdiqlangan bayon raqami
1	2	3	4	5	6	7	8

5-жадвалнинг давоми

Tasdiqlangan ekspluatatsion zaxiralar to‘g‘risidagi ma’lumotlar tasdiqlangan sanasi	Yer osti suvlarining ishlatilish turi	Suv olish inshootidagi quduqlar soni	Suv olish inshootlarining turi	Amalda olingan suv hajmi, ming m ³ /sut	Amalda olingan suv mineralizatsiyasi g/l
9	10	11	12		13

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлами нуқтали шартли белги билан кўрсатилади.

**“Ер ости сувларидан фойдаланиш” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

6-жадвал

T/r	Identifikatsiya raqami	Gidrogeologik hududlar	Yer osti manbalari suvlaridan foydalanish (jami) (km ³ /yil)	Suvlardan yer osti manbalaridan va daryoga oqib tushadigan suvga ziyon yetkazish hisobiga foydalanish (km ³ /yil)
1	2	3	4	5

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам нуқтали ва майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Худудларда сувдан турли эҳтиёжлар учун фойдаланиш” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

7-жадвал

T/r	Identifikatsiya raqami	O‘rnashgan joyi	Sirtqi manbalardan foydalanish	Yer osti manbalaridan foydalanish	Jami foydalanish
1	2	3	4	5	6

7-жадвалнинг давоми

Sug‘orish uchun foydalanish	Sanoat uchun foydalanish	Kommunal xo‘jalik uchun foydalanish	Baliq xo‘jaligi uchun foydalanish	Energetikada qaytmas ravishda foydalanish	Boshqalar uchun foydalanish
7	8	9	10	11	12

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам чизиқли ва майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

8-жадвал

T/r	Iste’molchilar va foydalanuvchilarning identifikatsiya raqami	Manzili	Iste’mol qilish va foydalanish maqsadi	Yer osti yoki yer ustisi suvlaridan foydalanish	Iste’mol va foydalanilgan suv miqdori M ³
1	2	3	4	5	6

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам нуқтали ва чизиқли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Сув сифати – сув ифлосланиш индекси” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

9-жадвал

T/r	Suv obyektining nomi	Suv obyektiда joylashgan postning o‘rnashgan joyi	Suvning ifloslanish qiymati	Suvning ifloslanish klassi	Suvning ifloslanish indeksinig tavsifi	Minerallashuv	Nitrit azot	Fenol	Neft mahsulotlari	Mis miqdori
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам нуқтали шартли белги билан кўрсатилади.

**Давлат ўрмон кадастри бўйича тематик қатламларнинг атрибутив
МАЪЛУМОТЛАРИ**

**“Ўрмон хўжалиги бўлими” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1-жадвал							
T/r	O‘rmon bo‘limining nomi	O‘rmon xo‘jaligining nomi	Idoraviy mansubligi	O‘rmon bo‘limining identifikasiya raqami	O‘rmon bo‘limi tashkil etilgan sana	O‘rmon bo‘limining joylashgan joyi	O‘rmon bo‘limi ma’lumotlari hisobga olingan sana
1	2	3	4	5	6	7	8

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Ўрмон кварталлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

2-жадвал			
T/r	Kvartalning identifikasiya raqami	Kvartal raqami	Izoh
1	2	3	4

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Ўрмонсиз ерлар” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

3-жадвал		
T/r	Kontur (bo‘linma) identifikasiya raqami	O‘rmon bilan qoplanmagan yerlar (ga)
1	2	3

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Ўрмонли ерлар” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

4-жадвал

T/r	Kontur (bo‘limma) identifikasiya raqami	Maydoni (ga)	Daraxt nomi	O‘rmonlarni ko‘paytirish usuli	Daraxtlarning yoshi bo‘yicha mansubligi
1	2	3	4	5	6

4-жадвалнинг давоми

O‘rmonlarni tashkil qiluvchi asosiy turlar	O‘rmonlarning holati	Bonitet sinfi	Daraxtlarning to‘liq zichlik darajasi (m3)	O‘rmon turi	Daraxtlar zaxirasi (m3)	Qiymati (so‘m)
7	8	9	10	11	12	13

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри бўйича тематик қатламларнинг атрибутив
МАЪЛУМОТЛАРИ**

**“Камёб ва йўқолиб кетиши хавфи бўлган ёввойи ҳолда ўсуви ўсимликлар турлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1-жадвал

T/r	Identifikatsiya raqami	O'simlik turining ilmiy nomi	O'simlik turining rus tilida nomi	O'simlik turining davlat tilida nomi	Turning maqomi	Hudud nomi	Tur populatsiyasi egallagan maydon (gektarda)
1	2	3	4	5	6	7	8

1-жадвалнинг давоми

Populatsiya zichligi	Turning populatsiya soni	O'simlik sonining o'zgarishi	Muhofaza etish choralar	Hisobga olish amalga oshirilgan sana	Geografik koordinatalar (X)	Geografik koordinatalar (Y)
9	10	11	12	13	14	15

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам нуқтали шартли белги билан кўрсатиласди.

**“Хом ашё мақсадларида ишлатиладиган ёввойи ҳолда ўсуви ўсимликлар” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

2-жадвал

T/r	Identifikatsiya raqami	O'simlik turining ilmiy nomi	O'simlik turining rus tilida nomi	O'simlik turining davlat tilida nomi	Turning maqomi	O'simliklar o'sadigan maydoni (ga)	Hudud nomi	O'simlik sonining o'zgarishi
1	2	3	4	5	6	7	8	9

2-жадвалнинг давоми

O'simlik hosildorligi (ts/ga)	Tayyorlanadigan xom ashyo turi	O'simlikning foydalaniladigan zaxirasi (xom ashyo)	O'simliklarni har yili tayyorlash mumkin bo'lgan hajmi (xom ashyo)	Hisobga olish amalga oshirilgan sana	Geografik koordinatalar (X)	Geografik koordinatalar (Y)
10	11	12	13	14	15	16

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам нуқтали шартли белги билан кўрсатилади.

**“Табиий яйловлар ва пичанзорлар ўсимликлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

3-жадвал

T/r	Identifikatsiya raqami	Yaylov turi	Yaylovlar xilma-xilligi	Hudud nomi	Xo'jalik yurituvchi subyektining nomi	Yaylov va pichanzorlar maydoni (ga)	Ozuqa massasining hosildorligi (ts/ga)
1	2	3	4	5	6	7	8

3-жадвалнинг давоми

Ozuqalarning zaxirasi	Tayyorlangan dag‘al ozuqalar miqdori (pichanzorlar uchun)	Qoramollarni o‘tlatish normasi (1 ga/son)	Amalda o‘tlatilgan (1 ga/son)	Mayda chorva mollarini o‘tlatish normasi (1 ga/son)	Amalda o‘tlatilgan (1 ga/son)
9	10	11	12	13	14

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлами майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

Мухофаза этиладиган табиј худудлар давлат кадастри бўйича тематик қатламларнинг атрибутив МАЪЛУМОТЛАРИ

“Мухофаза этиладиган табиий худудларнинг умумий таснифи” тематик қатлами атрибутив маълумотлари ЖАЛВАЛИ

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушбу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади

“Мухофаза этиладиган табиий худудларнинг ўсимлик дунёси” тематик қатлами атрибутив маълумотлари ЖАДВАЛИ

Ochiq urug'lilar	Yopiq urug'lilar	O'zbekiston Respublikasi Qizil kitobiga kiritilgan o'simliklarning turlar soni	0-toifa yo'qolgan yoki yo'qolish arafasidagi turlar	1-toifa yo'qolib borayotgan turlar	2-toifa kamyob turlar	3-toifa kamayib borayotgan turlar
10	11	12	13	14	15	16

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушбу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади

“Мухофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ўрмон ўсимликлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари ЖАДВАЛИ

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади

**“Мухофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳайвонот дунёси” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

4-жадвалнинг давоми

O‘zbekiston Qizil kitobiga kiritilgan umurtqali hayvon turlari soni	1(CR) toifa - butunlay yo‘q bo‘lib ketish arafasida turgan tur	1(EN) toifa – yo‘q bo‘lib ketayotgan, lokal tarqalgan turi	2(VU) toifa - kamayib borayotgan turi	2(VU:R) toifa - tabiatan kamyob tur	2(VU:D) toifa - qisqarib borayotgan tur	3(NT) toifa - kam sonli tur	Xo‘jalik ahamiyatiga ega bo‘lgan umurtqali hayvon turlari soni
10	11	12	13	14	15	16	17

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Сув муҳофаза қилиш ва ер ости чучук сувларининг ҳосил бўлиш зоналари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

5-жадвал

T/r	Identifikatsiya raqami	Muhofaza etiladigan tabiiy landshaftning nomi	Tashkil qilish sanasi va asosi	Idoraviy mansubligi	Suv muhofaza qilish zonasining umumiy maydoni (ga)	Qishloq xo‘jaligi yerlari (ga)	Sug‘oriladigan yerlar (ga)	O‘rmon yerlari (ga)	O‘rmon bilan qoplangan yerlari (ga)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

5-жадвалнинг давоми

Boshqa yerlari (ga)	Yer egalari, yerdan foydalanuvchilar, suvdan foydalanuvchilar soni	Yer osti suv olish inshootlari va kuzatuv quduqlari miqdori	Yer osti chuchuk suvlarining ekspluatatsiya zahiralari, sutkasiga ming m ³	Amalda olingan yer osti chuchuk suvlari, sutkasiga ming m ³	Suv muhofaza qilish zonasini kengligi (m)
11	12	13	14	15	16

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**Давлат шаҳарсозлик кадастри бўйича тематик қатламларнинг атрибутив
МАЪЛУМОТЛАРИ**

**“Шаҳарсозлик хужжатлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1-жадвал

T/r	Aholi punktining nomi	Ma'muriy hududiy birliklarni belgilash tizimi kodi	Aholi punktining tipi	Aholi punktining maqomi	Respublika viloyat	Tuman (shahar)	Fuqarolar yig‘inlari
1	2	3	4	5	6	7	8

1-жадвалнинг давоми

Loyihalash tashkiloti__shaharsozlik hujjatini ishlab chiquvchi	Shaharsozlik hujjati saqlanadigan joy	Shaharsozlik hujjatini tasdiqlagan organ	Shaharsozlik hujjatini tasdiqlash to‘g‘risidagi hujjatning raqami va sanasi	Aholi punktining loyihaviy maydoni (ga)	Aholining loyihaviy soni
9	10	11	12	13	14

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Функционал зоналар” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

2-жадвал

T/r	Zonalarning nomi	Funksional zonalarning maydoni (ga)	Mavjud imoratlarning tavsifi (asosan)	Shaharsozlik faoliyatining ruxsat berilgan turi	Shaharsozlik faoliyatining taqiqlangan turi	Shaharsozlik faoliyatining muayyan shartlarni bajargan holda ruxsat berilgan turi
1	2	3	4	5	6	7

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Ахоли пунктини геологик зоналаш” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

3-жадвал

T/r	Injenerlik-geologik hududlar (indeksi, tavsifi)	Injenerlik-geologik kichik hududlar (indeksi, tavsifi)	Hududlarning geologik-genetik tavsifi	Hududdagi geodinamik jarayonlar	Tavsiya etiladigan injenerlik tadbirlari	Gruntlarning seysmik xususiyatlari bo‘yicha toifasi
1	2	3	4	5	6	7

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Қизил чизиқлар” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

4-жадвал

T/r	Aholi punktining nomi	Respublika, viloyat	Tuman, shahar	Hujjatni loyihalagan tashkilot	Hujjat ishlab chiqilgan yili
1	2	3	4	5	6

4-жадвалнинг давоми

Qizil chiziqlarda shaharsozlik faoliyatining ruxsat berilgan turi	Qizil chiziqlarda shaharsozlik faoliyatining taqiqlangan turi	Qizil chiziqlarda shaharsozlik faoliyatining muayyan shartlarni bajargan holda ruxsat berilgan turi	Shahar chegarasi loyihasini tasdiqlagan organ	Shahar chegarasi loyihasini tasdiqlash to‘g‘risidagi hujjatning raqami va sanasi
7	8	9	10	11

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**Гидротехника иншоотлари давлат кадастри бўйича тематик қатламларнинг атрибутив
МАЪЛУМОТЛАРИ**

**“Сув омборлари”, “III синфдан паст сув омборлари” ва “Сел омборлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

T/r	Omborning nomi	Identifikatsiya raqami	Ombo r joylashgan o‘zan	Ombo r o‘rnashgan hudud	Suv olish manbai	To‘plangan suvni boshqarish usuli	Omborning turi	Omborning vazifasi	Suv iste’molchilar, suvdan foydalanuvchilar	Kapitallik sinfi
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
										11

1-жадвал

To‘g‘onning turi	To‘g‘onning maksimal balandligi (m)	Egallagan maydoni (km ²)	Omborning hajmi (mln m ³)	To‘g‘ondan pastda maksimal-imkoniy sarfi (m ³ /s)	Foydalanishga topshirilgan yil	Foydalanuvchi tashkilot	—. —. —. у. holatiga balans qiymati (mln so‘m)
12	13	14	15	16	17	18	19

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан курсатилади.

**“Гидроузеллар” ва “III синфдан паст гидроузеллар” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

T/r	Gidrouzelning nomi	Identifikatsiya raqami	Gidrouzel joylashgan o‘zan	Joylashgan hudud	Gidrouzel joylashgan suv manbai	Vazifasi	Suv iste’molchilar, suvdan foydalanuvchilar
	1	2	3	4	5	6	7
							8

2-жадвал

2-жадвалнинг давоми

Kapitallik sinfi	Gidrouzelning turi	To‘g‘onning maksimal balandligi (m)	Suv o‘tkazish qibiliyati (m^3/s)	Foydalanishga topshirilgan sana	Foydalanuvchi tashkilot	-...-... y. holatiga balans qiymati (mln so‘m)
9	10	11	12	13	14	15

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушбу тематик қатлам майдонли ва нуқтали шартли белги билан кўрсатилади.

**“Каналлар” ва “III синфдан паст каналлар” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

3-жадвал

T/r	Kanalning nomi	Kadastr raqami	Joylashgan hudud	Suv olish manbai	Kapitallik sinfi	Asosiy vazifasi	Maksimal suv sarfi (m^3/s)
1	2	3	4	5	6	7	8

3-жадвалнинг давоми

Qoplamasining turi	Uzunligi (km)	Inshootlar soni	Sug‘oriladigan maydoni (ming ga)	Foydalanishga topshirilgan sana	Foydalanuvchi tashkilot	-...-... y. holatiga balans qiymati (mln so‘m)
9	10	11	12	13	14	15

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушбу тематик қатлам чизикли ва майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Насос станциялари” ва “III синфдан паст насос станциялари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

4-жадвал

T/r	Nasos stansiyasining nomi	Kadastr raqami	Joylashgan hudud	Suv olish manbai	Kapitallik sinfi	Vazifasi	Maksimal suv sarfi (m^3/s)
1	2	3	4	5	6	7	8

4-жадвалнинг давоми

Ko'tarish balandligi (m)	Aggregatlar soni, dona	Belgilangan quvvati (kVt)	Foydalanishga topshirilgan sana	Foydalanuvchi tashkilot	—. —. y. holatiga balans qiymati (mln so'm)
9	10	11	12	13	14

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам нуқталии ва майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Коллекторлар” ва “III синфдан паст коллекторлар” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

5-жадвал

T/r	Kollektorning nomi	Kadastr raqami	Joylashgan hudud	Kapitallik sinfi	Asosiy vazifasi	Kollektor oxiridagi suv maksimal sarfi (m ³ /s)
1	2	3	4	5	6	7

5-жадвалнинг давоми

Uzunligi (km)	Xizmat ko'rsatish maydoni (ga)	Foydalanishga topshirilgan sana	Foydalanuvchi tashkilot	—. —. y. holatiga balans qiymati (mln so'm)
8	9	10	11	12

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам чизиқли ва майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Гидротехника иншоотларининг муҳофаза зоналари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

6-жадвал

T/r	Obyektning nomi	Muhofaza zonasasi (m)	Muhofaza zonasini belgilash uchun huquqiy hujjat	Muhofaza zonasida ruxsat etilgan faoliyat turi	Muhofaza zonasida ruxsat etilmagan faoliyat turi
1	2	3	4	6	7

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**Маданий мерос объектлари давлат кадастри бўйича тематик қатламларнинг атрибутив
МАЪЛУМОТЛАРИ**

**“Архитектура ёдгорликлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1-жадвал							
T/r	Obyektning nomi	Obyektning o`rnashgan joyi	Obyektning identifikatsiya raqami	Kadastr obyekti mulkdorining, egalik qiluvchi, foydalanuvchi yoki ijara qilingan oluvchining idoraviy mansubligi yoki nomi	Yuridik shaxsning kadastr obyekti mulkdorining manzili	Moddiy madaniy meros obyektiga bo`lgan mulk huquqi va boshqa huquqlarni tasdiqlovchi hujjat	Yer uchastkasiga bo`lgan huquqlar davlat ro`yxatidan o`tkazilganligi to`g`risidagi ma`lumotlar
1	2	3	4	5	6	7	8

1-жадвалнинг давоми					
Binolar va inshootlarga bo`lgan huquqlar davlat ro`yxatidan o`tkazilganligi to`g`risidagi ma`lumotlar	Yer uchastkasining kadastr raqami	Obyektning maqsad va vazifasi (madaniy-ma`rifiy, turistik-ekskursion, davolash-sog`lomlashtirish, turar joy va boshqalar)	Belgilangan sanasi	Planirovksi, kompozitsion-fazoviy strukturasi va konstruksiyalarining xususiyatlari	Texnik holati
9	10	11	12	13	14

1-жадвалнинг давоми				
Rassomlik asarlari, badiiy naqshlar, haykaltaroshlik, amaliy san`at asarlarining mavjudligi	Qurilish materiali	Asosiy o`lchamlari	Muhofaza zonasining chegaralari to`g`risidagi ma`lumotlar	Restavratsiya ishlari to`g`risidagi ma`lumotlar
15	16	17	18	19

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Археология ёдгорликлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

2-жадвал

T/r	Obyektning nomi	Obyektning o`rnashgan joyi	Obyektning identifikatsiya raqami	Yuridik shaxsning — mulkdorning idoraviy mansubligi yoki nomi, pochta manzili	Yuridik shaxsning kadastr obyekti mulkdorining, egasining manzili	Moddiy madaniy meros obyektiga bo`lgan multk huquqi va boshqa huquqlarni tasdiqlovchi hujjat	Yer uchastkasiga bo`lgan huquqlar davlat ro`yxatidan o`tkazilganligi to`g`risidagi ma`lumotlar
1	2	3	4	5	6	7	8

2-жадвалнинг давоми

Yer uchastkasining kadastr raqami	Obyektning maqsad va vazifasi (madaniy-ma`rifiy, turistik-ekskursion va boshqalar)	Belgilangan sanasi	Eng muhim topilmalar ro`yxati	Texnik holati	Asosiy o`lchamlari	Muhofaza zonasining chegaralari to`g`risidagi ma`lumotlar	Tadqiqot ishlari to`g`risidagi ma`lumotlar	Muhofaza zonasida ruhsat etiladigan faoliyat turlari
9	10	11	12	13	14	15	16	17

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Монументал санъат ёдгорликлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

3-жадвал

T/r	Obyektning nomi	Obyektning o`rnashgan joyi	Obyektning identifikatsiya raqami	Yuridik shaxsning — kadastr obyekti mulkdorning idoraviy mansubligi yoki nomi,	Yuridik shaxsning kadastr obyekti mulkdorining, egasining, foydalanuvchisining yoki ijara oluvchining manzili	Moddiy madaniy meros obyektiga bo`lgan multk huquqi va boshqa huquqlarni tasdiqlovchi hujjat	Yer uchastkasiga bo`lgan huquqlar davlat ro`yxatidan o`tkazilganligi to`g`risidagi ma`lumotlar
1	2	3	4	5	6	7	8

3-жадвалнинг давоми

Yer uchastkasining kadastr raqami	Obyektning maqsad va vazifasi (madaniy-ma'rifiy, turistik-ekskursion)	Belgilangan sanasi	Mualliflar	Yodgorlikning vujudga kelishi u bilan bog'liq bo'lgan tarixiy voqeanning sanasi	Materiali	Texnik holati	Asosiy o'lchamlari	Muhofaza zonasining chegaralari to'g'risidagi ma'lumotlar	Restavratsiya ishlari to'g'risidagi ma'lumotlar
9	10	11	12	13	14	15	16	17	18

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Диккатга сазовор жойлар” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

4-жадвал

T/r	Obyektning nomi	Obyektning o'mashgan joyi	Obyektning identifikatsiya raqami	Yuridik shaxsning — kadastr obyekti mulkdorining idoraviy mansubligi yoki nomi,	Yuridik shaxsning kadastr obyekti mulkdorining, egasining, foydalanuvchisining yoki ijara qilingan manzili	Moddiy madaniy meros obyektiga bo'lgan mulk huquqi va boshqa huquqlarni tasdiqlovchi hujjat	Yer uchastkasiga bo'lgan huquqlar davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi ma'lumotlar
1	2	3	4	5	6	7	8

4-жадвалнинг давоми

Yer uchastkasining kadastr raqami	Obyektning maqsad va vazifasi (madaniy-ma'rifiy, turistik-ekskursion)	Belgilangan sanasi	Matinning mavjudligi	Xotira lavhasi o'rnatilgan vaqt	Materiali	Texnik holati	Asosiy o'lchamlari	Muhofaza zonasining chegaralari to'g'risidagi ma'lumotlar	Restavratsiya ishlari to'g'risidagi ma'lumotlar
9	10	11	12	13	14	15	16	17	18

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Маданий мерос объектларининг муҳофаза зоналари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

5-жадвал

T/r	Muhofaza zonasini obyekti nomi	Muhofaza zonasini obyekti manzili	Muhofaza zonasini maydoni (ga)	Muhofaza zonasini belgilish uchun huquqiy hujjat	Muhofaza mintaqasi (metr)	Muhofaza chegarasi ichida ruxsat etilgan faoliyat turlari	Muhofaza chegarasi ichida ruxsat etilmaydigan faoliyat turlari
1	2	3	4	5	6	7	8

Изоҳ. Тематик қатлам маълумотлари уибу жадвалга мувоғиқ ва географик ахборот тизимида давлат кадастр обьекти майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**Автомобиль йўллари давлат кадастри бўйича тематик қатламларнинг атрибутив
МАЪЛУМОТЛАРИ**

**“Автомобиль йўллари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1-жадвал											
T/r	Avtomobil yo‘lining nomi	Identifikatsiya raqami	Yer uchastkasining kadastr raqami	Kilometri	Idoraviy mansubligi	Ekspluatatsiyaga kiritish sanasi	Ahamiyati bo‘yicha klassifikatsiyasi	Klassi	O‘tkazilgan joyi	Toifasi	Harakat intensivligi
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

1-жадвалнинг давоми								
Hisobiy tezlik	Harakat polosalarini soni	Yer polotnosining tipi	Yo‘l qoplamasining tipi	Qoplamasining turi	Yo‘l qoplamasi qatlamlarining mavjudligi	So‘nggi rekonstruksiya sanasi	Rekonstruksiya darajasi	Balans qiymati
13	14	15	16	17	18	19	20	21

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибӯ тематик қатлам чизиқли ва майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Сунъий иншоотлар” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

2-жадвал							
T/r	Sun’iy inshootning nomi	Idoraviy mansubligi	Identifikatsiya raqami	Yer uchastkasining kadastr raqami	Ekspluatatsiyaga kiritish sanasi	O‘rnashgan joyi	Vazifasi
1	2	3	4	5	6	7	8

2-жадвалнинг давоми

Inshootning turi	Inshootning materiali	Jismoniy eskirishi	Rekonstruksiya sanasi	Rekonstruksiya darajasi	Balans qiymati
9	10	11	12	13	14

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам чизикли ва майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Тартибга келтириш ва жиҳозлаш объектлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

3-жадвал

T/r	Obyektning nomi	Idoraviy mansubligi	Obyektning identifikatsiya raqami	Obyekt joylashgan avtomobil yo‘lining identifikatsiya raqami	O‘rnatilgan sana	O‘rnashgan joyi	Obyektning turi	Vazifasi
1	2	3	4	5	6	7	8	9

3-жадвалнинг давоми

Konstruksiyasining tipi	Jismoniy eskirishi	Guruhgaga mansubligi	Rekonstruksiya sanasi	Rekonstruksiya darajasi	Balans qiymati
10	11	12	13	14	15

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам нуқтали шартли белги билан кўрсатилади.

**“Химоя иншоотлари” тематик қатламиинг атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

4-жадвал

T/r	Inshootining nomi	Inshootining tipi	Idoraviy mansubligi	Identifikatsiya raqami	O‘rnashgan joyi	Jismoniy eskirishi	Balans qiymati
1	2	3	4	5	6	7	8

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам чизикли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Автомобиль йўллари хавфсизлик миңтақаси” тематик қатламиинг атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

5-жадвал

T/r	Avtomobil yo‘lining nomi	Identifikatsiya raqami	Kilometr oralig‘i	Ahamiyati bo‘yicha klassifikatsiyasi	Toifasi	Yo‘llarning toifalari bo‘yicha qurilish uchun ajratilgan yer tasmasi chegarasi	Xavfsizlik mintaqasi (m)	Taqiqlangan faoliyat turlari	Ruxsat etilgan faoliyat turlari
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**Транспорт қувурлари давлат кадастри бўйича тематик қатламлар атрибутив
МАЪЛУМОТЛАРИ**

**“Етказиб бериш қувурлари (қазиб чиқариш кон қувурлари, магистрал қувурлар, улгуржи истеъмолчилар қувурлари)”
тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1-жадвал										
T/r	Quvur nomi	Identifikatsiya raqami	O’rnashgan joyi (viloyat, tuman)	Quvurning uzunligi, km	Quvurni ekspluatatsiyaga kiritish sanasi	Quvurning diametri, mm	Quvurdan foydalanish rejimi	Quvurning vazifasi (neft, gaz, kondensat yetkazish)	Quvurdagi bosim	Qiymat bahosi
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам чизиқли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Газ тақсимлаш станциялари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

2-жадвал							
T/r	Gaz taqsimlash stansiyasining nomi	Identifikatsiya raqami	O’rnashgan joyi (viloyat, tuman)	Ekspluatatsiyaga kiritish sanasi	Ekspluatatsiya qiluvchi tashkilot	Foydalanish rejimi	Qiymat bahosi
1	2	3	4	5	6	7	8

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам нуқтали ва майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Газ тақсимлаш пунктлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

3-жадвал							
Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибӯ тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Зоналар худудларини кадастр бўйича бўлиш” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

T/r	Zonaning nomi	Kadastr raqami	Kadastr bo‘yicha bo‘lish tasdiqlangan hujjat	Hujjat berilgan sana	Hujjat raqami	Kadastr bo‘yicha bo‘lishni tasdiqlagan idoraning nomi	Umumiy maydoni (ming ga)
1	2	3	4	5	6	7	8

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Массивлар худудини кадастр бўйича бўлиш” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

T/r	Massivning nomi	Kadastr raqami	Kadastr bo‘yicha bo‘lish tasdiqlangan hujjat	Hujjat berilgan sana	Hujjat raqami	Kadastr bo‘yicha bo‘lishni tasdiqlagan idoraning nomi	Umumiy maydoni (ming ga)
1	2	3	4	5	6	7	8

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Мавзелар худудини кадастр бўйича бўлиш” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

T/r	Mavzening nomi	Kadastr raqami	Kadastr bo‘yicha bo‘lish tasdiqlangan hujjat	Hujjat berilgan sana	Hujjat raqami	Kadastr bo‘yicha bo‘lishni tasdiqlagan idoraning nomi	Umumiy maydoni (ming ga)
1	2	3	4	5	6	7	8

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Ер участкалари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

9-жадвал

T/r	Yer uchastkasining kadastr raqami	Yuridik shaxsning nomi yoki jismoniy shaxsning familiyasi, ismi va otasining ismi	Obyektning nomi	Joylashgan joyi (manzili)	Huquq turi	Yer uchastkasining mo’ljallangan maqsadi	Yer uchastkasiga bo‘lgan huquqni tasdiqlovchi hujjat, kim tomonidan va qachon berilgan
1	2	3	4	5	6	7	8

9-жадвалнинг давоми

Yer uchastkasiga bo‘lgan huquqning cheklanishi	Servitutlar	Ro‘yxatdan o’tkazilgan sana va raqami	Hujjat bo‘yicha umumiy maydoni (ga)	Haqiqatda egallagan maydoni (ga)	Yer fondi toifasi	Kadastr bahosi	Boshqa ma’lumotlar

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Ерларнинг сифат таркиби (бонитировка)” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

10-жадвал

T/r	Sug‘oriladigan yerlarning maydoni (ga)	Bonitet balli	Yerlarning sifati	Tuproqning unumдорлик bo‘yicha sinfi	Bonitet balli belgilangan hujjat (sanasi, raqami, bonitet ballini tasdiqlagan organ)
1	2	3	4	5	6

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**Бино ва иншоотлар давлат кадастри бўйича тематик қатламларнинг атрибутив
МАЪЛУМОТЛАРИ**

**“Бино ва иншоотлар давлат кадастри” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1-жадвал									
T/r	Bino va inshootning kadastr raqami	Obyektning nomi	Joylashgan joyi (pochta manzili)	Yuridik shaxsning nomi yoki fuqaroning familiyasi, ismi, otasining ismi	Huquqdagi ulushi (%)	Mulk shakli	Bino, inshootga bo‘lgan huquqlarni tasdiqlovchi hujjatlar	Huquq turi	Ro‘yxatdan o‘tkazish sanasi va raqami
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

1-жадвалнинг давоми									
Bino va inshootning umumiy maydoni (qurilish osti) (kv.m)	Bino va inshootning foydali maydoni (kv.m)	Funksional vazifasi	Qavatlar soni	Bino joylashgan qavati	Muhandislik kommunikatsiyalari bilan ta’minlanuvi	Ekspluatatsiyaga topshirilgan sana (kk.oo.yyyy)	Jismoniy eskirishi (%)	Kapitalligi	
11	12	13	14	15	16	17	18	19	

1-жадвалнинг давоми					
Konstruktiv turi	Zilzilaga bardoshliligi (ball)	Nizoli masalalar	Bino va inshootga bo‘lgan huquqning cheklanishi	Kadastr qiymati (so‘m)	Bino va inshootning baholangan sanasi
20	21	22	23	24	25

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**Картография-геодезия давлат кадастри бўйича тематик қатламлар атрибутив
МАЪЛУМОТЛАРИ**

**“1:1 000 000, 1:500 000, 1:200 000, 1:100 000, 1:50 000, 1:25 000 ва 1:10 000 масштабли топографик карталар нопирлик оригиналларининг мавжудлиги картограммалари” тематик қатламлари атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

T/r	Identifikatsiya raqami	Trapetsiyaning nomenklaturasi	Listning nomi	Masshtabi	Relyef kesimi (m)	Noshirlik originalining tipi	Tasvirga tushirilgan yili	1-жадвал
1	2	3	4	5	6	7	8	

1-жадвалнинг давоми					
Yangilangan yili	Obyektning tituli	Noshirlik originali, u bo‘yicha bajarilgan asos	Ishlarni ijro etuvchi tashkilot	Turi (qattiq asosda, plastikda, elektron ko‘rinishda)	Saqlanadigan joy
9	10	11	12	13	14

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“1:1000 000, 1:500 000, 1:200 000, 1:100 000, 1:50 000, 1:25 000 ва 1:10 000 масштабли топографик карталар тираж оттискларининг мавжудлиги картограммалари” тематик қатламлари атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

T/r	Identifikatsiya raqami	Trapetsiyaning nomenklaturasi	Listning nomi	Masshtabi	Relyef kesimi (m)	Tasvirga tushirilgan yili	Yangilangan yili	Nashr qilingan yili	Saqlanadigan joy	2-жадвал
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

“Шаҳарлар ва бошқа ахоли пунктлари топографик планларининг ноширлик оригиналлари ва тиражлаш оттискларининг мавжудлиги картограммалари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ

3-жадвал					
T/r	Identifikatsiya raqami	Planning nomenklaturasi	Planning mashtabi	Relyef kesimi (m)	S'ymka qilingan yili
1	2	3	4	5	6

3-жадвалнинг давоми						
Yangilangan yili	Nashr qilingan yili	Obyektning tituli	Tasvirga tushirilgan kartalar originallarining soni	Turi (qattiq asosda, plastikda, elektron ko‘rishda)	Ishlarni ijro etuvchi tashkilot	Saqlanadigan joy
7	8	9	10	11	12	13

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

“Аэрофотосъёмка материалларининг мавжудлиги картограммалари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ

4-жадвал					
T/r	Identifikatsiya raqami	Obyektning tituli	Ishlarni ijro etuvchi tashkilot	Obyektning raqami (shifri)	Planning nomenklaturasi
1	2	3	4	5	6

4-жадвалнинг давоми						
Aeroparvoz bajarilgan sana	Aeros'ymka maydoni (kv. km)	Suratlar soni	Aerofotoapparat (tipi va raqami)	Obyektiv (tipi va raqami)	Saqlanadigan joy	
7	8	9	10	11	12	

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Ўзбекистон Республикаси худуди космик съёмкаси материалларининг мавжудлиги картограммалари”
тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

5-жадвал								
T/r	Identifikatsiya raqami	Obyektning nomi	Ishlarni bajaruvchi	Kosmosuratlar ishlab chiqarilgan sana	Suratlarning soni	Kosmosuratlarning imkoniy aniqligi (aniqligi)	Turi (raqamli, ortofoto)	Saqlanadigan joy
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Триангуляция, давлат геодезик тармоғи ва давлат съёмка тармоғи пунктлари”
тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

6-жадвал						
T/r	Identifikatsiya raqami	Punktning katalog bo‘yicha nomi (raqami)	Obyektning nomi	Ishlar bajarilgan sana	Ishlarni ijro etuvchi	Geodezik belgining tipi
1	2	3	4	5	6	7

6-жадвалнинг давоми						
Markazning tipi	Belgining balandligi (m)	Markazning Boltiq balandliklar tizimida dengiz sathidan balandligi (m)	Davlat geodezik tarmog‘i va davlat s’yomka tarmog‘i klassi (razryadi)	Punkt joylashgan 1:50 000 masshtab trapetsiyasining nomenklaturasi	Punkt tekshirilganligi va tiklanganligi to‘g’risidagi ma’lumotlar	
8	9	10	11	12	13	

Изоҳ. Географик ахборот тизимида ушибу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Полигонометрия пунктлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

7-жадвал

T/r	Identifikatsiya raqami	Punktning katalog bo‘yicha nomi (raqami)	Obyektning nomi	Ishlar bajarilgan sana	Ishlarni ijro etuvchi
1	2	3	4	5	6

7-жадвалнинг давоми

Markazning tipi	Tashqi geodezik belgining tipi va balandligi (mavjud bo‘lsa)	Markazning Boltiq balandliklar tizimida dengiz sathidan balandligi (m)	Klassi (razryadi)	Punktning o‘rnashgan joyi (1:10 000 mashtab topografik karta listining nomenklaturasi)
7	8	9	10	11

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Нивелирлаш пунктлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

8-жадвал

T/r	Identifikatsiya raqami	Punktning katalog bo‘yicha nomi (raqami)	Nivelirlash klassi	Nivelirlash ijro etilgan yil	Ijro etuvchi tashkilot	Obyektning nomi	Markazning (reperning) tipi	Punktning o‘rnashgan joyi	Yondosh repyerlar orasidagi masofa (km)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

8-жадвалнинг давоми

O‘lchangan nisbiy balandlik (m)	Normal balandlikka o‘tish uchun tuzatma (mm)	Nisbiy balandlikka tenglashdan tuzatmalar (mm)	Markazning Boltiq balandliklar tizimida dengiz sathidan balandligi (m)	Punkt joylashgan 1:50 000 mashtab trapetsiyasining nomenklaturasi	Geografik koordinatalar (X)	Geografik koordinatalar (Y)
11	12	13	14	15	16	17

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Ўзбекистон Республикасининг рақамли топографик карталари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

9-жадвал					
T/r	Identifikatsiya raqami	Raqamli topografik karta listining nomenklaturasi	Obyekt tituli	Raqamli topografik karta maydoni (kv.km)	Raqamli topografik karta masshtabi
1	2	3	4	5	6

9-жадвалнинг давоми				
Relyef kesimi (m)	Raqamli topografik karta ishlarini ijro etuvchi tashkilot	Raqamli topografik karta yaratilgan yil	Planning formati (dxf, shp, mif, va h.k.)	Saqlanadigan joy
7	8	9	10	11

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

**“Ўзбекистон Республикаси шаҳарларининг рақамли топографик планлари” тематик қатлами атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

10-жадвал							
T/r	Identifikatsiya raqami	Shaharning nomi	Planning nomenklaturasi	Obyekt tituli	Planning maydoni (kv.km)	Planlar soni	Planning masshtabi
1	2	3	4	5	6	7	8

10-жадвалнинг давоми				
Relyef kesimi (m)	Raqamli topografik plan ishlarini ijro etuvchi tashkilot	Raqamli topografik plan yaratilgan yil	Planning formati (*.dxf, *.shp, *.gdb, *.mif, *.sxf va h.k.)	Saqlanadigan joy
9	10	11	12	13

Изоҳ. Географик ахборот тизимида уйбу тематик қатлам майдонли шартли белги билан кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Фазовий маълумотлар миллий
инфратузилмасини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
22-илова

**Давлат кадастрлари ягона тизимиға давлат кадастрлари фазовий маълумотлари
ва уларнинг метамаълумотларини тақдим этиш, кўриб чиқиши
ва маълумотлардаги камчиликларни маълум қилиб бориши
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-bosqich	Давлат кадастрларини юритишга масъул вазирликлар ва идоралар	Кадастр маълумотлари алоқа тармоғи орқали реал вақт режимида ва белгиланган тартибда тақдим этиб борилади. Ўзгаришлар бўйича маълумотлар доимий янгиланиб борилади.	Очиқ маълумотлар реал вақт режимида, давлат сири ҳисобланган маълумотлар ҳар ойнинг 15 кунига қадар ҳар ойда 1 маротаба
2-bosqich	ФММИ администратори	Тақдим этилган кадастр маълумотларида обьектларнинг географик жойлашуви, атрибутив маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги таҳлил қилиб чиқилади ҳамда камчиликлар муаллифга маълум қилинади.	5 иш куни мобайнида
3-bosqich	Давлат кадастрларини юритишга масъул вазирликлар ва идоралар	Мувофиқлаштирувчи томонидан кўрсатилган камчиликлар бартараф этилиб маълумотлар қайта тақдим этилади.	10 иш куни мобайнида

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “26” октябрдаги620-сон қарорига
2-илова

**Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш
бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Фазовий маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ташкил этилган Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, хукуқлари, жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мувофиқлаштирувчи кенгаш фазовий маълумотлар соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) қошида ташкил этилган, юридик шахс мақомига эга бўлмаган фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда маслаҳат-кенгашув вазифасини амалга оширадиган коллегиал орган ҳисобланади.

3. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қиласди.

4. Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолияти ишлар режасига мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари
ва функциялари**

5. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини (кейинги ўринларда – ФММИ) ривожлантиришга доир фаолиятнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

ФММИ ривожлантиришнинг замонавий халқаро тенденцияларига ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос келадиган устувор йўналишларни белгилашда қўмаклашиш;

ФММИни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ягона давлат сиёсати олиб борилишини таъминлаш ҳамда давлат органлари, илмий-тақиқот ва олий таълим ташкилотлари иштирокини мувофиқлаштиришда кўмаклашиш;

фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар эгалари ўртасида ахборот ҳамкорлигини ривожлантиришга, фойдаланувчиларнинг улардан фойдаланишга имконият берувчи шароитларни яратишга кўмаклашиш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, ФММИни ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, ҳомийлар маблағлари ва грантларни жалб қилишга кўмаклашиш.

6. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

ФММИни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, фазовий маълумотлар соҳасидаги норматив-хуқуқий ва методик базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Кадастр агентлигига киритади;

Кадастр агентлиги томонидан тайёрланган ФММИни ривожлантириш бўйича ишлар ҳолати тўғрисидаги йиллик ҳисобот лойиҳасини кўриб чиқади ва ўз таклифларини беради (келиб тушгандан сўнг бир ой ичида);

давлат кадастрларини юритиш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларининг, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари вакилларининг фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисботларини кўриб чиқади ва ўз таклифларини беради (келиб тушгандан сўнг бир ой ичида);

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар, норматив-хуқуқий хужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив хужжатлар, стандартлаш бўйича норматив хужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқади (келиб тушгандан сўнг бир ой ичида);

фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ва эгаларига фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар тўпламларининг мазмунини белгилашда кўмаклашади;

фазовий маълумотлар соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, ФММИни ривожлантириш учун инвестициялар ва грантлар, шунингдек, ҳомийлар маблағларини жалб қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ва эгалари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишувларни ишлаб чиқишида маслаҳатлар беради ва ўз таклифларини тақдим этади;

давлат органлари, илмий-тақиқот ва олий таълим ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчилар ва эгаларининг Мувофиқлаштирувчи кенгаш ваколатларига оид масалалар бўйича таклифларини кўриб чиқади.

3-боб. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар, норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва техник тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар, стандартлаш бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳалари бўйича ўз таклифларини бериш;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Мувофиқлаштирувчи кенгаш:

ўзига юкландиган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида, самарали бажарилиши, шунингдек, ФММИни ривожлантириш;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

ўз фаолияти соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг таркиби

9. Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби давлат органлари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат бўлади.

10. Мувофиқлаштирувчи кенгаш раис, раис ўринбосари, котиб ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари таркибида шакллантирилади.

11. Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятига умумий раҳбарликни раис, у бўлмаганда – раис ўринбосари амалга оширади.

12. Кадастр агентлигининг директори Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси ҳисобланади.

13. Мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг ўринбосари Кадастр агентлиги директорининг ФММИни яратиш ва ривожлантириш учун масъул ўринбосари ҳисобланади.

14. Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг кун тартибига киритилган масалаларни мухокама қилишда ва улар бўйича қарорлар қабул қилишда тенг хукуқларга эгадирлар.

15. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қошида котибият фаолият юритади.

16. Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси:

Мувофиқлаштирувчи кенгаш ишига мазкур Низомда белгиланган Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг вазифалари ва функцияларига мувофиқ раҳбарлик қиласди;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари ўртасида мажбуриятларни тақсимлайди;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш иши режасини (бир йилда бир марта), Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг кун тартиби ва баённомасини тасдиқлайди (бир йилда камида тўрт марта);

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларини ўтказади;

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдан ташқари йиғилишларини ўтказиш ҳақида қабул қиласди;

Мувофиқлаштирувчи кенгашда қўрилаётган масалаларга қараб унинг йиғилишларига Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари бўлмаган идоралар ва ташкилотлар вакилларини таклиф қиласди;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятининг жорий ва истиқболли йўналишларини белгилайди;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорларини бажариш муддатларига риоя этилиши учун масъул шахсларни тайинлайди.

17. Мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг ўринбосари:

Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси топшириқларининг бажарилишини таъминлайди;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолияти йўналишлари бўйича таклифлар киритади;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси бўлмаган ҳолларда Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси функцияларини бажаради.

18. Мувофиқлаштирувчи кенгаш котибиятининг функцияларини Кадастр агентлигининг Миллий геоахборот тизимини мувофиқлаштириш ва Давлат кадастрлари бошқармаси амалга оширади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш котибияти:

Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятининг ташкилий-техник ва ахборот таъминотини амалга оширади;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши учун кун тартиби лойиҳасини тайёрлайди ҳамда Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси билан келишган ҳолда йиғилишга таклиф қилингандар рўйхатини тузади;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича материаллар тайёрланишини таъминлайди;

Йиғилиш ўтказиладиган кундан олдин беш иш кунидан кечиктирмасдан Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларини ва таклиф қилинганларни Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг кун тартиби, йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича материаллар, ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи ҳақида хабардор қиласди;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларининг баённомасини юритади;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларига Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг баённомаси нусхаларини юборади;

Мувофиқлаштирувчи кенгашни зарур хужжатлар ва ахборотнома материаллари билан таъминлайди;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорларининг бажарилишини назорат қиласди;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини таъминлаш бўйича бошқа функцияларни бажаради.

19. Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари:

Мувофиқлаштирувчи кенгаш ишида иштирок этади;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг топшириқларини ҳамда Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси бўлмагандага Мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг ўринбосарининг топшириқларини бажаради;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш ишининг режасини, Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг кун тартибини тузиш бўйича таклифлар киритади;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ўтказиладиган кундан олдин 15 иш кунидан кечиктирмасдан Мувофиқлаштирувчи кенгаш котибиятига Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича материалларни, шунингдек, Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг кун тартиби масалалари бўйича қарорлар лойиҳаларини тақдим этади;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида кўрилаётган масалаларни муҳокама қилишда ва тегишли қарорларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

5-боб. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ишининг регламенти

20. Мувофиқлаштирувчи кенгаш иши йиғилишлар шаклида ташкил этилади.

21. Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишлари заруратга қараб, лекин бир йилда камида тўрт марта ўтказилади.

22. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдан ташқари йиғилишлари Мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг қарорига кўра, шунингдек, Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларининг камидан учдан бир қисмининг талабига кўра чақирилиши мумкин.

23. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг йиғилишларини раис, у йўқ бўлганда эса – Мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг ўринbosари олиб боради.

24. Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг кворуми учун унинг аъзоларининг учдан икки қисми йиғилган бўлиши шарт.

25. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари консенсус (муҳим масалаларни ҳал қилиш учун) йўли билан ҳам, оддий кўпчилик овоз (тартибот, методика масалалари ва бошқа жорий масалалар бўйича) билан ҳам қабул қилинади. Консенсус Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг бирорта ҳам аъзосининг расмий эътирози йўқлиги сифатида белгиланади.

26. Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари унинг йиғилишларига шахсан ҳозир бўладилар. Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси йиғилишда қатнаша олмаган тақдирда, у олдиндан бу ҳақда Мувофиқлаштирувчи кенгаш котибиятини хабардор қиласди ва зарурат бўлганда қўрилаётган масалалар бўйича ўз фикрини ёзма шаклда баён қиласди, у Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида ўқиб берилади ва баённомага биритириб қўйилади.

27. Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишини ўтказиш шаклини белгилайди:

шахсан қатнашиб, яъни Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларининг биргаликдаги қатнашуви шаклида;

интернет – конференциялар ёки селектор мажлислар шаклда, яъни Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларининг биргаликдаги қатнашувисиз.

28. Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг кун тартиби Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларининг таклифлари асосида шакллантирилади.

Таклифлар дастлабки лойихалар, хужжатлар ёки ушбу хужжатлар концепциялари кўринишида уларнинг Мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқилиши зарурлигини асослаб берадиган материаллар билан бирга киритилади.

29. Аниқ масалани йиғилиш кун тартибига киритиш ҳақидаги якуний қарорни Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси қабул қиласди.

30. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг кун тартибига мувофиқ кўриб чиқиш учун қабул қилинган хужжатлар унинг аъзоларига йиғилиш ўтказиладиган кундан камидан 15 кундан кечиктирмасдан тарқатилади, бундан навбатдан ташқари йиғилишлар мустасно.

31. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари унинг аъзоларига улар қабул қилинган кундан кейин 10 кундан кечиктирмасдан тарқатилади. Йиғилиш давомида Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ҳар бир аъзоси кун тартибига қўшимча масалани киритишни таклиф қилиши мумкин, уни кўриб чиқиши ҳақидаги қарор шу йиғилишнинг ўзида Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

32. Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишлари, қоида тариқасида, Кадастр агентлигига ўтказилади. Зарур ҳолларда Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишлари ваколатли вазирликларда, давлат қўмиталарида ва идораларда ўтказилиши мумкин.

6-боб. Якуиловчи қоидалар

33. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг давлат органларидан вакил қилинган аъзолари бошқа ишга ўтганда унинг таркибига уларнинг лавозимга янги тайинланган шахслари киритилади.

34. Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши якунлари бўйича баённома тузилади. Йиғилиш баённомаси йиғилишда қатнашган аъзолар томонидан имзоланади.

35. Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида кейинги йиғилишни ўтказиш санаси ва жойи белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “26” ОКТЯБРдаги 620-сон қарорига
3-илова

**Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш
бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш
ТАРКИБИ**

- | | |
|----------------|---|
| Ф. Пулатов | — Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директори – <i>Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси;</i> |
| М. Мирмаксудов | — Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директори ўринбосари – <i>Мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг ўринбосари;</i> |
| А. Назаров | — сув хўжалиги вазиригининг биринчи ўринбосари |
| А. Бурхонов | — мудофаа вазиригининг ўринбосари |
| М. Убайдуллаев | — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазиригининг ўринбосари |
| А. Хайдаров | — молия вазиригининг ўринбосари |
| А. Муминов | — транспорт вазиригининг ўринбосари |
| К. Абдижалилов | — фавқулодда вазиятлар вазиригининг ўринбосари |
| Ш. Мирзаев | — қишлоқ хўжалиги вазиригининг ўринбосари |
| Ш. Турдикулова | — инновацион ривожланиш вазиригининг ўринбосари |
| Б. Шахриёров | — туризм ва маданий мерос вазиригининг ўринбосари |
| Ж. Махсудов | — ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазиригининг ўринбосари |
| Ш. Жахонгиров | — қурилиш вазиригининг ўринбосари |
| Ғ. Курбонов | — Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг ўринбосари |
| Ж. Казбеков | — Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари |
| Ш. Алимов | — Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раисининг ўринбосари |

- | | |
|-----------------|---|
| 3. Зияев | — Давлат статистика қўмитаси раисининг ўринбосари |
| Б. Абдухалимов | — Фанлар академияси вице-президенти |
| Ш. Кадиров | — “Ўзбеккосмос” агентлиги директори |
| Ф. Сафаров | — Гидрометеорология хизмати маркази директори ўринбосари |
| З. Махаматов | — “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| Б. Маматкаримов | — “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| Х. Сабуров | — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети проректори |
| Т. Султанов | — “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұҳандислари институти” миллий тадқиқот университети проректори |
| Ф. Хикматов | — Ўзбекистон География жамияти раисининг биринчи ўринбосари |
| М. Валиев | — Давлат кадастрлари палатаси раиси |
| Н. Латипов | — Кадастр агентлиги Миллий геоахборот тизимини мувофиқлаштириш ва Давлат кадастрлари бошқармаси бошлиғи – <i>Мувофиқлаштирувчи кенгаши котиби</i> |

Изоҳ. *Мувофиқлаштирувчи кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтганда унинг маркибига ушибу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишили функцияларни бажарии юклатилган шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “26” октябрдаги 620-сон қарорига
4-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сон қарори билан
тасдиқланган Кўчмас мулк обьектлари манзиллари ягона реестрини
шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ушбу Низом Кўчмас мулк обьектларига манзиллар белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳамда манзиллар ягона реестрини (кейинги ўринларда – Реестр) шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди”.

2. 2-банд қуидаги мазмундаги тўққизинчи – йигирма биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“фазовий обьектлар – жойлашган жойи белгиланган фазовий-вақт координаталари тизимида аниқланиши мумкин бўлган табиий, сунъий ва бошқа обьектлар (шу жумладан, бинолар, иншоотлар);

халқа автомобиль йўли – бир нуқтадан бошланиб шаҳар ва аҳоли пунктлари атрофларини ўраб турувчи бошланган нуқта билан туташувчи айлана шаклидаги йўл;

берк кўчалар – бошқа йўлларга ўзаро ўтиб бўлмайдиган, кўча охири обьект билан тўсилган кўчалар;

географик обьектлар номларининг давлат реестри – маълум бир ҳудуд учун уларга мос бўлган ҳолда компьютер ёрдамида ўқиладиган топонимларни (географик номларни) ўз ичига олган рақамли маълумотлар базаси;

кўчалар – аҳоли пунктларда икки қатор уйлар орасидаги автотранспорт воситалари ва одамлар ўтишга мўлжалланган жой;

кўчмас мулк обьектлари манзиллари ягона реестри – манзиллар, уларинг геокодлари, ўзгариш тарихи ва ҳозирги ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот тизими;

магистрал йўллар – кенг ва тўғридан-тўғри шаҳар кўчаси, одатда жадал ҳаракатлар бўладиган кўчалар, шаҳардан ташқарига олиб чиқувчи кўчалар;

тор кўчалар – иккита катта кўчани ўзаро боғловчи кичик кўча;

хиёбонлар – майдон ва кўчаларнинг дам олиш ва декоратив безаклар учун ишлатиладиган кичик яшил майдонлар;

чорраҳа – иккита кўчанинг кесишмаси ёки тўрт томондан келаётган йўлларни туташтирувчи қисм;

шоҳ кўча – узун, бурилишсиз ва кенг кўча;

электрон хужжатлар тўплами – электрон шаклда қайд этилган, тизим орқали тасдиқланган ва электрон хужжатларнинг уларни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон хужжатлар тўплами;

кўчанинг ID рақами – географик объектлар номларининг давлат реестрида юритиладиган, географик объект номи ўзгарган тақдирда ҳам уни тизимда идентификация қилиш мақсадида бириктириладиган уникал рақам”.

3. 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. 4-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Реестрни шакллантириш ва юритиш устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) томонидан амалга оширилади. Кадастр агентлиги:”.

5. Қуйидаги мазмундаги 4¹ ва 4²-бандлар билан тўлдирилсин:

“4¹. Кўчмас мулк обьектининг манзилларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказишнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

кўчмас мулк обьектлари манзилларини тартибга солиш;

ер участкаси, янги қурилган, реконструкция қилинган, фойдаланилаётган бино ва иншоотларнинг ҳаёт циклининг турли босқичларида юридик жиҳатдан тўғри белгиланган манзилларини марказлашган ҳолда рўйхатга олишни таъминлаш;

реестрда рўйхатга олинган обьект манзилининг хужжатларга мувофиқлик асосида бино ва иншоотлар ёки унинг қисмини шу билан бирга кўча ва йўлларни идентификациялашни таъминлаш.

4². Кўчмас мулк обьектининг манзили реестрда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ушбу манзил маълумотлари жисмоний ва юридик шахслар учун ҳақиқий манба ҳисобланади”.

6. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) манзилларнинг мавжудлигини белгилаш, ўзгартириш, бекор қилиш субъектлари ҳисобланади”.

7. 8-бандда:

а) биринчи хатбошидаги “корхонанинг кўчмас мулк обьектларига ҳуқуқларни рўйхатга олиш ишларини (кейинги ўринларда рўйхатга олиш деб аталади) рўйхатга олувчи (кейинги ўринларда рўйхатга олувчи деб аталади)” сўзлари “бошқарма” сўзи билан алмаштирилсин;

б) куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан түлдирилсін:

“күчмас мулк объектига кадастр паспортини расмийлаштириш жараёнида;”;

в) иккінчи – түртінчи хатбошилар тегишлича учинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансын.

8. Куйидаги мазмундаги 8¹-банд билан түлдирилсін:

“8¹. Куйидаги күчмас мулк объектларига манзиллар белгиланади:

ер участкасига, қишлоқ хұжалигига мұлжалланған ерлар бундан мустасно;

күп квартирали уйлардаги квартирага (хар бир квартира учун);

бино ва иншоот ҳамда унинг бир қисмінде”.

9. 9-бандда:

а) куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан түлдирилсін:

““E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасыда үтказилған электрон аукцион натижалари ҳақидаги баённома”;

б) учинчи – түртінчи хатбошилар тегишлича түртінчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансын;

в) түртінчи хатбоши куйидаги таҳрірда баён этилсін:

“курилиши тугалланған объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси”.

10. 13-банд куйидаги мазмундаги иккінчи – еттинчи хатбошилар билан түлдирилсін:

“Куйидаги ҳолларда манзилни белгилаш учун түлов ундирилмайды:

күчмас мулк жойлашған маъмурий – ҳудудий бирлик үзгарғанда;

күчмас мулк объектининг бир қисми беконалаштирилғанда объектнинг қолған қисмінде манзили берилғанда;

күчанинг номи үзгариши билан ушбу күчада жойлашған барча күчмас мулкларнинг манзилига үзгартырылғанда;

номсиз күчаларга ном берилиши билан ушбу күчада жойлашған барча күчмас мулкларнинг манзили белгиланғанда ва манзилига үзгартырылғанда;

қонунчилік хужжатларига мувоғиқ ахоли пунктларининг номланиши ва чегаралари үзгарғанда, шу жумладан, бир ҳудуддан бошқа ҳудудға үтказилғанда (турап ёки нотурар күчмас мулк объектіда реконструкция, күшімча ва алохіда курилиш мавжуд бўлған ҳоллар бундан мустасно)”.

11. 16 ва 17-бандлардаги “корхона” сүзи “бошқарма” сүзи билан алмаштирилсін.

12. 19-банд қуидаги мазмундаги хатбошилар билан тұлдирилсін:

“Геокоддан манзилни ахборот тизимида идентификациялаш учун фойдаланилади.

Манзилларни ахборот тизимларида идентификация қилиш учун манзилнинг уникал рақами ишлатылади”.

13. Қуидаги мазмундаги 20¹-банд билан тұлдирилсін:

“20¹. Манзил элементларининг турлари ушбу Низомга 5-иловага, манзил тузилмаси 6-иловага, ички манзил тузилмаси 7-иловага мувофиқ белгиланади”.

14. 21-банднинг биринчи хатбошиси қуидаги таҳрирда баён этилсін:

“21. Ички манзил ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакллантирилади ва қуидагиларни ўз ичига олади:”.

15. 23-банднинг биринчи хатбошиси қуидаги таҳрирда баён этилсін:

“Күчмас мулк объектларига, алохіда ажратылған хоналарга рақамлар бериш мажбурийдір, ушбу банднинг иккінчи хатбошисида назарда тутилған ҳолатлар бундан мустасно”.

16. 29-банд қуидаги таҳрирда баён этилсін:

“29. Объектни ушбу Низомнинг 25–28-бандларига мувофиқ рақамлаш имкони бўлмаган тақдирда рақамлаш дунё қисмлари бўйича (тегишлича ғарбдан шарққа ёки шимолдан жанубга) амалга оширилади”.

17. Қуидаги мазмундаги 50¹ ва 50²-бандлар билан тұлдирилсін:

“50¹. Манзиллар реестри тузилгунга қадар рақамлаштирилған манзиллар кўчмас мулкка бўлган ҳукуқлар ва у ҳақида тузилған битимларнинг давлат реестрига (кейинги ўринларда – кўчмас мулк реестри) киритилған пайтдан эътиборан манзил белгиланган, ўзгартирилган, мавжудлиги бекор қилинган деб ҳисобланади.

50². Рақамлаштирилған манзиллар Манзиллар реестрига мутахассис томонидан босқичма - босқич киритиб борилади. Бунда мулқдор томонидан ариза ва тўлов талаб этилмайди”.

18. 52-банд қуидаги таҳрирда баён этилсін:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (кейинги ўринларда – маъмур) Реестрни шакллантириш, юритиш ва ундаги ахборотнинг яхлитлиги учун масъулдир”.

19. 53-банднинг биринчи хатбошисидаги “корхоналар” сўзи “бошқармалар” сўзи билан алмаштирилсін.

20. 60-бандда:

а) иккинчи хатбошидаги “инвентарь” сўзи “кадастр” сўзи билан алмаштирилсін;

б) учинчи хатбошидаги “корхоналар” сўзи “бошқармалар” сўзи билан алмаштирилсин.

21. 62-банндаги “рўйхатга олувчи” сўzlари “худудий бошқарма” сўzlари билан алмаштирилсин.

22. 64-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Реестрга тузатишларни киритиш худудий бошқарма томонидан:
худудий бошқарманинг ташаббуси билан – техник хато бўлганда;”.

23. 67-банндаги “рўйхатга олувчи” сўzlари “худудий бошқарма” сўzlари билан алмаштирилсин.

24. 72-банд қуидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:
“Индекслар қуидаги лотин ҳарфлари билан бўлгиланади:
a, b, d, e, f, g, h, i, j, k, l, m, n, p, q, r, s, t, u, v, x, y, z”.

25. 74-банндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида” сўzlари “қонунчилик ҳужжатларида” сўzlари билан алмаштирилсин.

26. Қуидаги таҳрирдаги 5–7-иловалар билан тўлдирилсин:

“Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 5-илова

МАНЗИЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Т/р	Манзил элементларининг номи	Кисқартирилган номи
1	Қорақалпоғистон Республикаси	ҚР
2	Вилоят	вил
3	Шаҳар	ш
4	Туман	т
5	Шаҳарча	ш-ча
6	Қишлоқ	қ
7	Овул	о

Ички манзил таркибига кирувчи аҳоли пункти таркибий қисмининг турлари

8	Кўча	к
9	Тор кўча	т/к
10	Ўтиш йўли	ў/й
11	Берк кўча	б/к
12	Боғ	боғ
13	Хиёбон	х-н
14	Шоҳ кўча	шоҳ/к

15	Майдон	м-н
16	Бульвар	б-р
17	Соҳилбўйи	соҳ
18	Мавзе	Мвз
Бино ва унинг қисмлари		
19	Уй	уй
20	Корпус	корп
21	Блок	бл
22	Квартира	кв
23	Хона	х
24	Ертўла	е
25	Мансарда	м

Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона
реестрини шакллантириш ва юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

МАНЗИЛ ТУЗИЛМАСИ

Минтақа даражаси	Туман (шаҳар) даражаси	III қисм	IV қисм	V қисм
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар	туман	шаҳар	—	ички манзил
		шаҳарча	—	ички манзил
		қишлоқ	аҳоли пункти	ички манзил
		овул	аҳоли пункти	ички манзил
		аҳоли пунктидан ташқарида	—	ички манзил
	шаҳар	туман	—	ички манзил
		шаҳарча	—	ички манзил
Тошкент шаҳри	туман	—	—	ички манзил

Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона
реестрини шакллантириш ва юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

ИЧКИ МАНЗИЛ ТУЗИЛМАСИ

T/p	Номи
а) аҳоли пунктида жойлашган кўчмас мулк объектлари учун	
1	Аҳоли пункти таркибий қисмининг тури
2	Аҳоли пункти таркибий қисмининг номи
3	Уй рақами

4	Корпус рақами*
5	Географик объект тури (бинонинг қисмлари)*
6	Квартира (бино қисми) рақами*
б) аҳоли пунктидан ташқаридан автомобиль йўлиниң йўл чети полосасида жойлашган кўчмас мулк объектлари учун	
1	Автомобиль йўлиниң рақами
2	Автомобиль йўли бошидан километрлардаги масофа
3	Уй рақами
4	Корпус рақами*
5	Географик объект тури (бинонинг қисмлари)*
6	Квартира (бино қисми) рақами*
в) аҳоли пунктидан ташқаридан темир йўл тармоғи полосасида жойлашган кўчмас мулк объектлари учун	
1	Энг яқин алоҳида темир йўл пункти
2	Уй рақами
3	Корпус рақами*
4	Географик объект тури (бинонинг қисмлари)*
5	Квартира (бино қисми) рақами*
г) аҳоли пунктидан ташқаридан автомобиль йўлларининг йўл чети полосалари ва темир йўллар шохобчаси полосалари чегарасидан четда жойлашган кўчмас мулк объектлари учун	
1	Уй рақами
2	Корпус рақами*
3	Географик объект тури (бинонинг қисмлари)*
4	Квартира (бино қисми) рақами*
д) аҳоли пунктидан ташқаридан боғдорчилик ширкати, дала ҳовли кооперативида жойлашган кўчмас мулк объектлари учун	
1	Боғдорчилик-узумчилик ширкати, дала ҳовли кооперативи номи
2	Уй рақами
3	Корпус рақами*
4	Географик объект тури (бинонинг қисмлари)*
5	Квартира (бино қисми) рақами*

*) Мавжуд бўлганда қўлланилади".

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “26” ОКТЯБРДАГИ 620-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси хузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги, Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги, Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбошиси ва қарорга 3-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2005 йил 1 апрелдаги 95-сон қарорига илованинг 17-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2778-сон қарори)” 2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорига 1-илованинг 20-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарорига 8-илованинг 9-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон, Фармони)” 2017 йил 18 августдаги 644-сон қарорига 1-илованинг 5-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон қарори)” 2017 йил 14 ноябрдаги 915-сон қарорига 1-илова 26-бандининг “б” кичик банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3671-сон қарори, “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3672-сон қарори)” 2018 йил 7 декабрдаги 995-сон қарорига 1-илованинг 45-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги обьектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 12 марта даги 215-сон қарорига 2-илованинг 1-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2019 йил 14 июндаги 498-сон қарорига 1-илованинг 7-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сув хўжалиги обьектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи айрим қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 17 августдаги 525-сон қарорига 5-илованинг 2-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги хузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолияти ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2022 йил 22 апрелдаги 209-сон қарорига илованинг 3-банди.

